ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА ◂◂ 14

19 ▸▸ САМАН ОТ, КАНИЗАК ВА ЕР ҲАҚИДА РИВОЯТ

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ
VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефон орқали сканер қилинг.

2020 йил 5 июнь, №23 (2878)



Капитан Ғайрат МАДРАҲИМОВ суратга олган

9-бетда

ҲАРБИЙ ШИФОКОРЛАР ЖАСОРАТИ

12-бетда

ЁШЛАРГА ТАВСИЯНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

- Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони имзоланди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев миллий статистика соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.
- «Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида» Президент қарори қабул қилинди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.
- Тошкент шаҳрида кичик туман ташкил этиш таклиф қилинди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

7 «ҲАММА ҲАМ ҚАЙТИБ КЕЛАВЕРМАЙДИ!»

10 УРУШДА БИРГИНА ЛАҲЗА МАНГУЛИК!

13 КЎЧА МУЮЛИШИДАГИ ХОТИРЖАМЛИК

18 ЁЛҒОН ТИНИМСИЗ ТАКРОРЛАНСА...

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнгги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:
t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press
facebook.com/UzArmiya
instagram.com/uzbekistanarmy

ЖАРАЁН

1 ИЮНДАН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

Адлия вазирлигининг «Ҳуқуқий ахборот» канали бу саволга жавоб берди

1. Айрим тадбиркорлар молмулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан вақтинча озод қилинади.

2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябригача қуйидагилар мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилинади:

кичик тадбиркорлик субъектлари;

бозорлар ва савдо комплекслари;

кинотеатрлар;

умумий овқатланиш жойлари;

жамоат транспорти корхоналари;

спорт соғломлаштириш муассасалари;

йўловчи ташиш, маиший хизмат кўрсатиш, биноларни, шу жумладан банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар.

2. Нафақа олувчилар сони оширилади.

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони қўшимча 10 фоизга оширилади.

3. Фитобарлар ташкил этилади.

Тиббиёт муассасалари, шу жумладан оилавий поликлиникалар ва қишлоқ (овул) врачлик пунктларида, шунингдек босқичма-босқич барча вазирлик ва идораларда, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти ҳамда маҳаллий аэропортларда, барча турдаги автовокзал, темир йўл вокзалларида, бозорлар, санаторий-курорт муассасаларида ҳамда бошқа аҳоли гавжум жойларда фитобарлар ташкил этилади.

4. Қатор тамаки маҳсулотларига акциз солиғи киритилади.

Импорт қилинадиган қиздириладиган тамаки маҳсулотлари, чекиладиган, чайналадиган, ҳидланадиган, шимиладиган (снюс), чилим учун тамаки, никотинли тамакисиз снюс, таркибида никотин мавжуд суюқликларга акциз солиғи киритилади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган, акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари қўшимча позициялар билан тўлдирилади.

Унга кўра, қатор тамаки маҳсулотларининг акциз солиғи ставкалари миқдорлари белгиланди.

Жумладан, 2020 йил 1 июндан чекиладиган тамакининг 1 килоси учун 25 АҚШ доллари миқдорида акциз солиғи солинади.

5. Маҳаллий экспорт қилувчилар транспорт харажатларининг бир қисми давлат томонидан қопланади.

Маҳаллий экспорт қилувчиларга юкларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаш, шунингдек, тадбиркорларнинг инфратузилма барпо этиш бўйича харажатларининг бир қисми учун компенсация тўлаш механизмлари жорий этилади.

6. Ваколатли органлар тадбиркорларга лицензия олиш учун зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам берадилар.

Тадбиркорларга лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришда кадрларнинг профессионал малакаси, тақдим этилган ҳужжатлар ва дастурларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга, бино ва иншоотларнинг — санитария-эпидемиологик талабларга ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги сабабли рад этишга йўл қўйилмайди.

Бунда, ваколатли давлат органлари тадбиркорларга малакали кадрларни излаш, ҳужжатлар ва дастурларни қайта ишлаш учун мутахассисларни жалб қилиш ҳамда лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам беришлари лозим, талабгорнинг таклиф этилган ёрдамни рад қилиш ҳоллари бундан мустасно.

7. Металл прокатининг ҳар бир тўпига сифат тўғрисидаги ҳужжат илова қилинади.

Сотилаётган ва ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган металл прокатининг ҳар бир тўпига ишлаб чиқарувчи (импорт қилувчи) томонидан сифат тўғрисидаги ҳужжат илова қилиниши керак.

Сифат тўғрисидаги ҳужжат техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлик юзасидан синовларнинг ижобий натижалари асосида расмийлаштирилади.

Бунда, ишлаб чиқарувчиларда тегишли ишлаб чиқариш лабораторияси бўлмаса, металл прокатини бошқа синов лабораторияларида синовдан ўтказишга йўл қўйилади.

8. «Ўзбекистон Республикаси Давлат ўқ-гильзотекаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарорининг фуқаровий ва хизмат ўқотар қуролини назорат тартибида отиш қисми кучга киради.

9. Юридик шахслар биржа аъзолари сифатида аккредитациядан ўтказилади.

Қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилади:

товар сегментлари бўйича биржа савдоларини маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ва биржа аъзоларига фойдаланиш ҳуқуқини берган ҳолда алоҳида секцияларда ўтказиш;

маҳсулотни секция тамойили бўйича сотишни таъминлаш ва брокерлик ўринларини биржанинг расмий веб-сайти орқали тақдим этиш бўйича шаффоф механизмни инобатга олган ҳолда, юридик шахсларни биржа аъзолари сифатида аккредитациядан ўтказиш;

биржа савдоси қоидалари талабларига мувофиқлиги бўйича фаолият кўрсатувчи биржа аъзоларининг малака даражасини ҳар 3 йилда мунтазам аниқлаш.

10. Ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун кредитлар ажратилади.

Фермер хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларининг ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача ғалла ялпи ҳосили умумий қийматининг 40 фоизигача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 10 фоиз, 50 фоизигача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 12 фоиз ставкадан (шундан банк маржаси 2 фоиз) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, фақат донни қайта ишловчи корхоналар ҳамда донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ғаллачилик кластерлари томонидан республикада етиштирилган ғаллани харид қилиш учун тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача 50 миллиард сўмгача миқдорда тижорат кредитлари ажратилади.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАРИ ХОРИЖИЙ АХБОРОТ МАНБАЛАРИ НИГОҲИДА

Коронавирус пандемияси нафақат Ўзбекистон балки бутунжаҳон туризм соҳасига жиддий зиён келтираётган айни дамда Президентимиз томонидан соҳани қайта тиклаш бўйича олиб борилаётган ташаббуслар хорижий оммавий ахборот воситаларда ёритилмоқда.

Хусусан, яқинда Покистоннинг «Islamabad Daily Post» нашрида «Ўзбекистон Президенти туризм лойиҳалари ҳақида баёнот берди» мавзусида мақола эълон қилинди.

Мақолада мамлакатмиз раҳбарининг 27 май куни туризм ва давлат активларини хусусийлаштириш соҳаларидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишиш жараёнига оид ҳисобот баён этилган.

Мақола аввалида янги ташаббуслар доирасида ҳукуматимиз томонидан меҳмонхоналарга кўрсатган хизматининг 10 фоизи миқдорида субсидия ажратилиши, уларга айланма маблағ учун кредит фоиз тўловларининг 10 фоизигача бўлган қисмига субсидия берилиши қайд этилган.

«Маълумки жорий йилнинг 16 мартидан Ўзбекистон ташқи ва ички саёҳат учун ёпилган эди. Бунинг оқибатида 1,5 мингдан ортиқ туроператор, 1,2 мингта меҳмонхона фаолиятини вақтинчалик тўхтатилган, бу эса гидлар, миллий ҳунармандчилик, зиёратгоҳ ва сиҳатгоҳлар, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқалар билан қўшиб ҳисоблаганда 250 мингдан ортиқ аҳоли даромадига жиддий таъсир кўрсатаётганди... Пандемия даврида «Uzbekistan. Safe travel guaranteed» («Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган») бренди остида туристлар учун санитария-эпидемиологик хавфсизлик лойиҳасини татбиқ этилиши Ўзбекистон учун сайёҳлик тизимини яна қайта тиклаб олиш билан бирга сайёҳлар хавфсизлигини таъминлашда анча аҳамиятлидир» дейилади мақолада.

«EADaily» ахборот агентлигида эса «Ўзбекистон сайёҳлар учун чегараларини очмоқда» сарлавҳасида берилган хабарда мамлакатимиз раҳбарининг «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» фармонига мувофиқ 1 июндан Ўзбекистоннинг эпидемиологик барқарор ҳудудларда туроператорлар, сайёҳлик фирмалари, меҳмонхоналар, маданий объектлар фаолиятига рухсат берилгани, шунингдек, ҳукумат томонидан гид ва туроператорларнинг янги туристик хизматларни ривожлантириши учун грантлар тақдим этилаётгани қайд этилган.

Бундан ташқари, мавзуга доир хабар ва мақолалар «CANews», «РИА Новости», «Казинформ», «Инфо ШОС», «Regnum», «SNG Today» каби қатор хорижий ахборот манбаларида эълон қилинди.

Зуҳра МИРЗАБОЕВА, ЎзА

УСТУВОР ВАЗИФА АДО ЭТИЛДИ

Шу йилнинг 1 май куни эрталаб Сирдарё вилоятидаги «Сардоба» сув омбори тўғони ўпирилиши оқибатида техноген тусдаги фавқулодда вазият юз бериб, вилоятнинг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида аҳоли яшаш манзиллари ва ҳудудлар сув ва кўчки остида қолди. Бинолар, йўллар, коммуникация тармоқлари вайрон бўлди, аҳоли вақтинча бошқа ҳудудларга эвакуация қилинди.



Дилшод РУЗИҚУЛОВ суратга олган

Тошқин оқибатларини бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида Мудофаа вазирлигининг барча ҳарбий округларидан ҳарбий хизматчилар Сирдарё вилоятига сафарбар этилди. Армия ва халқ бирлиги, мардларимиз Ватан ва халқ осойишталиги йўлида ҳар доим камарбаста хизматда эканлиги яққол намоён бўлди.

Ўтган муддат давомида ҳарбий хизматчилар қўйилган устувор вазифани адо этиб, аҳоли яшаш манзиллари, ҳудудлар, инфратузилма ва ижтимоий объектлар, йўллар ва телекоммуникация тармоқларида тозалаш, тиклаш ва бунёдкорлик ишларида фидойилик кўрсатишди.

Шу ойнинг бошида ҳарбий хизматчилар буйруққа асосан ўзларининг доимий хизматни ўташ жойларига қайтишди. Мудофаа вазирлиги ҳарбий автомобиль назорати инспекцияси ва Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ходимлари томонидан колонналарнинг йўлларда хавфсиз ҳаракатланиши таъминланди.

Шарқий ҳарбий округ қўшинлари эса Гулистон – Марғилон йўналишида темир йўл платформалари орқали манзилга етиб олди. Доимий хизматни ўташ жойларига етиб олган ҳарбий хизматчилар Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталиги йўлидаги шарафли ва масъулиятли хизмат бурчларини бажаришда давом этмоқда.

Ватанимиз мардлари доимо жанговар шай, осойишталик барқарорлигини таъминлаш йўлида собитдирлар.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ МАХСУС ҲАРБИЙ ОКРУГДА

Юксак касб маҳорати ва ҳарбий интизом – ҳар бир ҳарбий

ҲАЁТ ҲАМ, МАШҒУЛОТЛАР ҲАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бугунги ахборот асрида ҳатто бир кун матбуот, телевидение ва ёки радио, интернетдан узилиб қолсангиз борми, ўзингизни бегонадек ҳис эта бошлайсиз. Чунки мана шу бир кунлик бўшлиқ сизни замондан узоқлаштириб қўяди. Шу маънода ҳарбий хизматчиларнинг одатий фаолиятидаги бир кунлик танаффус ҳам реал вазиятларда улар учун қимматга тушиши мумкин.

Ҳарбий қисмларда маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлик машғулотлари бугунги карантин талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда тизимли равишда амалга оширилмоқда. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли Қашқадарё вилояти Пачкамар қўрғонида хизмат қилаётган юрт ўғлонлари ҳам кундалик машғулотларда фаол иштирок этиб, ўз кўникма ва малакаларини мунтазам ошириб бораётир.

Улар учун кун бошқаларга нисбатан анча вақтли бошланади. Эрталабки жисмоний машқларда тобланиб, жамоа ва якка тартибдаги машғулотлар спорт залларида давом этди. Бир жисмда ақл ва билак бирлашсагина у букилмас кучга айланади. Жисмоний камолот гарови спорт бўлса, ақлий етуклик омили китобдир. Ҳарбий қисмдаги кутубхона ва ундаги минглаб китоблар фонди юрт посбонлари учун маънавият ўчоғи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳарбий хизматчи учун энг муҳим жиҳат унинг руҳий ва жанговар шайлиги, албатта. Бунда олинган назарий билимларнинг амалий синови муҳим ўрин тутади. Ҳақиқий жанг ҳолатига яқин муҳит яратилган майдонда олиб бориладиган жанговар тайёргарлик машғулотлари ҳарбий хизматчининг жасорати, матонати ва маҳоратини сайқаллайди. Бажариш мураккаб, ўтиш мушкул бўлган кетма-кет тўсиқлар узра фаол ҳаракатланиш узоқ олиб борилган машғулотлар натижасида бўй кўрсатади. Айниқса, кўриш қийин бўлган тунги вақтларда шартли душман жойлашган ҳудудни аниқлаш, уни қуршаб олиш ва яксон қилиш амалиётида ҳарбийлар ўзларининг тажриба ва маҳоратларини ошириб бормоқда.

Юрт тинчлигини асрашдек масъулиятли ва шарафли ишга бел боғлаган ҳарбийлар ўз вазифалари йўлида шижоат билан олға интилмоқдалар.



хизматчининг Ватан ҳимояси учун қўшган ҳиссасидир!

ҲАВО САРҲАДЛАРИ

назорат остида

Бир қарич ер, бир сиқим тупроқ ҳам Ватан. Инсон учун азиз ва муқаддас бу калом ана шундай зарралардан бунёд бўлади. Буни кичик санаб бўлмайди аслида. Математиклар яхши билади, бутун миқдорлардан ташкил топади. Мана шу бутунликни сақлаш, уни ҳар қандай ғайри кўздан ҳимоя қилишдек шарафли бурч, ҳарбийлар зиммасида. Бу ҳақдаги таассуротингизни бойитиш учун жанговар сафларда хизмат қилаётган юрт ўғлонлари нигоҳларига, кўзларига боқинг.

Юртимиз ҳарбий хизматчилари томонидан само сарҳадлари ҳам ҳар лаҳза ҳарбий вертолёт ва самолётлар ёрдамида синчковлик билан назорат қилиб борилади.

Қашқадарё вилояти Хонобод қўрғонида жойлашган Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли Хонобод аэродроми ҳарбийлари ҳам карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда туну кун ўз хизмат вазифаларини олиб боришмоқда.

Ҳали қуёш ўзини кўрсатмасдан хизмат вазифасига киришган ҳарбийлар МИ-8, МИ-24, МИ-35, жанговар ва транспорт вертолётларида, шунингдек, МИГ-29, СУ-25 каби қудратли жанговар самолётларда юрт сарҳадлари бўйлаб белгиланган манзилларга режали парвозларни амалга оширдилар.

Бу ерда Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти курсантлари ҳам олий ҳарбий таълим муассасасида олган назарий билимларини амалда синаш учун Л-39 жанговар ўқув самолётида малакали йўриқчилар ҳамроҳлигида машқ парвозларини амалга ошириб боришади.

Парвознинг самода муваффақиятли ўтишини ердан туриб таъминловчи, қудратли техникаларнинг ҳар жиҳатдан соз ва жанговар шайлигига жавобгар бўлган техник мутахассислар хизмати алоҳида аҳамиятга эга.

Парвозлар фавқулодда вазиятлар вужудга келганда қутқарув ва алоҳида вазифаларни бажариш каби турли йўналиш ва мақсадларда амалга оширилади. Тизимли равишда олиб бориладиган учиш амалиётлари само лочинларининг билим, малака ва кўникмаларини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

Қўш саҳифани Исломжон ҚЎЧҚОРОВ тайёрлади.

БИЛИМЛАР САРҲИСОБИ

БЎЛАЖАК ЛЕЙТЕНАНТЛАР ДАВЛАТ ИМТИҲОНЛАРИНИ ТОПШИРМОҚДА

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида битирувчи босқич курсантлари белгиланган карантин қоидаларига риоя этган ҳолда давлат имтиҳонларини топширмоқда.

Дунё ҳамжамияти COVID–19 пандемияси билан курашаётган бир даврда олий таълим тизимида ҳам қатор ўзгаришлар юз берди. Карантин даврида курсантлар мустақил таълим олиб, битирув имтиҳонларига пухта тайёргарлик кўрди.

Давлат имтиҳонида қатнашиш учун курсантларга барча зарур шароит ва қулайликлар яратилиб, санитария-эпидемиология, тозалик қоидаларига қатъий риоя қилинди. Имтиҳоннинг барча жараёнлари кузатув мосламалари орқали видео тасмаларга тўлиқ ёзиб олинди.

– Таълим масканимиз битирувчиларининг чет тили ва гуманитар фанлар юзасидан назарий билимлари тест шаклида синовдан ўтказилди, – дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўқув бўлими бошлиғи подполковник Шуҳрат Зоҳидов. – Бу усул билим юртимизда илк бор тажриба сифатида қўлланиляпти. Имтиҳон билети асосида ёзма ёки оғзаки савол-жавоб ҳар бир курсант билан юзма-юз мулоқотни талаб этиши, асосий профессор-ўқитувчилар таркиби бугунги кунда уйда эканини инобатга олиб, ушбу жараёнга тест тизимини жорий этдик. Бу курсантларнинг ўтган йиллар давомида ҳарбий, илмий, табиий, гуманитар фанлардан олган билимларини ошкора ва холисона баҳолашда қўл келди.



Муаллиф суратга олган

Ушбу олий ҳарбий таълим муассасасида жорий йилги илк давлат имтиҳони «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» ҳамда «Тарбиявий ишлар услубиёти» фанларидан бўлди. Мазкур имтиҳондан бирин-кетин чиқиб келаётган курсантларни суҳбатга тортдик.

– Бугун битирувчи курсантлар учун жуда масъулиятли ва узоқ кутилган кун ҳисобланади, – дейди курсант Икромжон Дадамирзаев. – Давлат имтиҳонида билим юртимиздаги кутубхона ва малакали устоз-мураббийларимиздан олинган сабоқларга таяндим. Юзталик тест саволларининг барчаси ўтган йиллар давомида ўзлаштирилган, ўқув дастурида белгиланган стандартлар асосида тузилгани учун уни ечишда қийналмадим.

– Курсдошларимиз, шахсан ўзимнинг юқори ва жанговар руҳиятимизни ҳозирги синовли кунлар асло туширгани йўқ, – дейди, 5-босқич курсанти Шаҳбоз Раималиев. – Саволларнинг ҳеч бири бизга бегона эмас, яъни унда ўқув предметидан ўтилган мавзулар қамраб олинган. Ҳозир ана шу билимларимизни сарҳисоб этувчи муҳим жараён. Бу ерда олган билим ва кўникмаларимиз офицер сифатида қўшинлардаги фаолиятимизда асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат имтиҳонларини қабул қилиш бўйича шакллантирилган жадвалга асосан курсантлар батальони гуруҳларга бўлиниб, ҳар қайси навбатма-навбат имтиҳонга жалб этиляпти. Отиш тайёргарлиги, ҳаво-десант тайёргарлиги, зирҳли танк қурол ва техникаларини ишлатиш ва тиклаш сингари амалий машғулотлар билан боғлиқ синовлар дала-ўқув майдонларида амалга оширилмоқда. Барча имтиҳонлар пандемия шароитида ўрнатилган карантин қоидалари асосида, ижтимоий масофани сақлаган ҳолда, тиббиёт ниқоби, антисептик воситалардан фойдаланиш орқали ташкил этилмоқда.

Қуролли Кучлар академияси, Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти ҳамда Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида ҳам битирувчи босқич курсантларининг давлат имтиҳонлари юқори савияда ташкил этилмоқда.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

«ҲАММА ҲАМ ҚАЙТИБ КЕЛАВЕРМАЙДИ!»

Шундай асарлар бўладики, улар миллий доирадан чиқиб умуминсонийлик кашф этади. Иккинчи жаҳон урушига бағишланган фильмлар деярли ҳар бир миллатда бор. Унинг олтин фондида асралаётганлари бармоқ билан санарли. «Солдат отаси» деган фильм бор. Ҳа, ҳа, топдингиз, ўша, грузин қария, солдат отаси Г. Махарашвили ҳақида. Бу фильм урушга қарши айтилган қайғули қўшиқ каби инсоният мулкига айланган. Худди ўзимизнинг «Сен етим эмассан» фильми каби.





Гуржи адабиётининг билимдони эмасман. Нодар Думбадзе ҳақида эса биламан. Унинг ёзганларини ўзбек адибларинки каби севиб мутолаа қиламан. Деярли барча ижод маҳсули она тилимизга таржима қилинган, назаримда.

Биринчи марта «Мен, бувим, Илико ва Илларион» асарини ўқиган эдим. Енгил ўқилади. Бу дегани енгил-елпиликни англатмайди. Унда юмор драматизм билан уйғунлашиб кетган. Ундан кейин «Ҳелладос»ни ўқидим... ва шундан кейин Нодар Думбадзе ижодининг асирига айландим. Аниқ биламан, мен каби унинг асарларига ошиқлар жуда кўп. «Оқ байроқлар», «Кукарача», «Абадият қонуни»...

Адиб ижодини таҳлил қилишга ўзимни ҳақли деб билмайман. Фақат унинг ижодига бўлган меҳру муҳаббатимнинг изҳори сифатида кўнглим мулкига айланган асарини сизга-да илингим келди. Бу «Қуёшни кўряпман» романидир.

Негадир қабристон кишилар қалбига аллақандай қўрқув, хавотир солади. Болаларни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Асарда уруш бошланганини бола тилидан шундай ҳикоя қилинади: *«Қовоғи солинган, айни вақтда тарвузи қўлтиғидан тушиб шалвираб турган бунча одамларни ҳеч қачон кўрмагандим... Тўсатдан кечаси қабристондан ўтиб бораётгандагидек қўрқиб кетдим. Мен Герасим амакининг ёнига ўтириб, қўлимни унинг тиззасига қўйдим».*

Биласизми, йўқ, билмайсиз, мен ҳам билмайман, қандай қилиб, кулгу, ҳазил-ҳузуллар билан ғоят қайғули манзаралар чизилиши мумкин?! *«Қани, Амиран, машинага чиқ қол, бу хайрлашишингда уруш ҳам тугаб қолади!»*

Қани эди, тугаб қолса, йўқ, у узоооок давом этди.

Романнинг «Жудолик» деб номланган қисмидан **ўқиймиз:**

«Ўғли дадаси Асалога:

– Дада, у онасиникига кетиб қолмасин! – деди ва хотинининг бошини силади.

– Йўқ, ўғлим, кетмайди.

– Маргалита, дадамни ташлаб, ёлғиз қолдириб кетма. – Жувон

индамади, лекин янада қаттиқроқ йиғлашга тушди.

– .....

– Дада... – йигитча дудуқланиб қолди.

– Гапиравер, ўғлим.

– Бир-икки ойгача майли-ку, лекин кейин сув ташитманг. Ўтин ҳам ташимасин. Тегирмонга ҳам бормасин. Далага ҳам чиқарманг!..»

Демак, улар... Менимча аниқлик киритишимнинг ҳожати йўқ. Зукко ўқувчи бу илҳақликнинг маънисини тушунди.

Яна шу қисмдан парча **ўқиймиз:** *«Машиналар йўлга тушди. Шу пайт худди қуёш ботгандек ҳаммаёқ қоронғилашиб, юракларимиз пора-пора бўлди. Ўнта юк машинаси акаларимиз, оталаримизни олиб кетди, йўл четида эса биз болалар, оналар, хотин-халаж, опа-сингиллар – яқинларидан жудо бўлганлар турар эдик. Майса устида эса эгасиз қолган музика асбоблари сочилиб ётарди. Мўйсафид капельмейстер юзини қўллари билан бекитганча турар экан, чўкиб кетган елкалари қалтирарди.*

Мен ўша куни олам-жаҳон одамнинг бараварига йиғлаганини, шунчалар қайғуга ботганини, аммамнинг кўзларида ёшни умримда биринчи мартаба кўрдим. Шу пайт нима учундир, денгиз суви изига қайтганида қумлоқ соҳил яланғочланиб, унда балиқлар, қисқичбақалар, шиллиқ қуртлар, хас-хуслар сочилиб ётиши кўз олдимда намоён бўлди. Назаримда ҳозир бизлар денгиз қирғоғига чиқариб ташланган ана шундай балиқлар, қисқичбақалар, шиллиқ қуртлар, хас-хусларга ўхшардик».

Романда Хатиа исмли нурли бир образ бор. Уни англаш учун мана бу парча етарли деб ўйладим:

«– Хатиа, ота-онанг борми? – деб сўради ўқитувчи.

– Фақат дадам бор.

– Сен сира ҳам кўрмайсанми?

– Сира ҳам.

– Ҳеч нарсани-я?

– Муаллим, мен фақат қуёшни кўраман. Ботумидаги врач, агар қуёшни кўрса мен кўзини тузатаман, дебди.

– Албатта, тузатади. Ҳасан кўлида мен ҳам кўр бўлиб қолган эдим. Ҳеч нарсани кўрмасдим.

– Қуёшни кўрардингизми, муаллим?

– Қуёшни кўрардим, мана кўзимни тузатишди...

– Қуёшни мен ҳам кўраман.

Ўқитувчи яна жим бўлиб қолди. У Хатианинг шаҳло кўзларидан кўзини олмасди. Унинг кўзларида осойишта табассум барқ уриб турарди. Ана шундай кўзларнинг ёруғ дунёни, парталарда ўтирган болаларни, юзига кўзёшлари оқиб тушаётган кичик жуссали ўқитувчини кўрмаётганига кишининг ишонгиси келмасди».

Унинг кўзларини тузатишармикан? Буни романни ўқиб чиқиб биласиз.

Асарда яна бир ўзига хос образ бор. Нодар Думбадзе асарларида бундай қаҳрамон ягона эмас. Бу Бежан исмли йигит. У қачонлардир нок дарахтидан йиқилиб... доимо бахтиёр юрадиган бўлиб қолган. Адиб унинг қалбини маҳорат билан очиб берган. Ёмоннинг кучи яполоққа етибди, деганларидек уни қочоқ Датико... Яхшиси нима бўлганини ўзингиз ўқиб, билиб олганингиз маъқул.

Адиб салбий қаҳрамонларини ҳам фақат қора рангларда кўрсатмайди. Буни қочоқ Датико образида кўриш мумкин.

Яна **ўқиймиз:** *«Бежан, уруш тамом бўлди. Тушуняпсанми, уруш тамом бўлди! Ҳозир қишлоғимизни таниб бўлмайди. Қанча-қанча одамлар урушдан қайтиб келди! Герасим амакининг ўғли келди. Ниночканинг ҳам, Эвгенининг ҳам ўғиллари қайтиб келди. Минанинг ҳам эри келди. Нодарнинг ҳам, Отианинг ҳам дадалари қайтди, рост, оёқдан ажраб қайтди, бе, ҳозир ким ҳам бунга эътибор беради, дейсан! Лука эса ўзининг Кукурасига етишолмай оламдан ўтди, у қайтгани йўқ. Қора Машиконинг эри Малхаз ҳам қайтмади. Ҳа, кўплар, жуда кўп одамлар қайтиб келмади...»*

Ҳа, ҳамма ҳам қайтиб келмади. «Ҳамма ҳам қайтиб келавермайди», асар аввалида шундай такрорланган эди бу сўзлар...

Азиз ўқувчи, «Қуёшни кўряпман» асари билан жавонингиздаги жавоҳирлар сонини яна биттага кўпайтиринг. Афсусланмайсиз. Жавоҳир эгаси бўлишни истайсиз-ку, шундай эмасми?

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Миллий озодликка қарши курашда, мустабидларнинг «босмачилик»ни таг-туги билан йўқотишга қарши тарғиботида, омма онгини манипуляция қилишда Туркфронтнинг «Красная звезда» газетаси олдинги сафларда бўлган. Газетанинг 1922-1923 йиллардаги сонларида «Босмачиликка барҳам берамиз», «Босмачиликка қарши», «Босмачиликка қарши кураш» каби рукнларда мунтазам равишда мақола ва хабарлар бериб борилгани шундан далолат. Газета асосан биринчи саҳифада бу мавзуга жой ажратади. Дунёда кечаётган муҳим воқеалар, шўролар салтанатини қуриш, мустаҳкамлашдаги қизғин жараёнлар, кечаётган муҳорабалар ҳақидаги ахборотлар билан «бир сафга» қўйилади.

«ТУРКИСТОНЛИК – ШОНИМИЗ, ТУРОНЛИК – УНВОНИМИЗ»

(учинчи мақола)

ШАПОШНИКОВ ВА ҲАРБИЙ МУХБИРЛАР

Алам қиладигани нимада? Моҳиятан Туркистондаги курашга яқин, яъни шўро тузумига қарши қаратилган бошқа муҳорабаларга «босмачи» атамаси қўлланилмайди. Масалан, меньшевик, ўнг, сўл эсерлар кураши ҳам совет ҳокимиятига қарши қаратилганди-ку. Қизиқ? Хуллас, Туркистонда ахборот фронтининг биринчи чизиғида «босмачилик» туради. Бежиз эмас. Чунки эрк учун кечаётган курашни жисмонан, руҳан маҳв этиш мустабид тузум учун долзарб эди. Назаримда бу мустамлакачиликнинг янги форматда давом этаётган зулми бўлган. Истибдод қиличи шу усулда қайралди.

Мард, танти, ғирромликни билмайдиган, жанг фақат очиқ майдонда кечади деб ўйлаган боболарим. Ахборот ғаразли, ёвуз мақсад сари йўналтирилса, қанчалар кучли қуролга айланишини билганмикин? Маккор ғанимнинг орқадан ханжар санчишини англаганмикин? Айнан мана шу масалада боболарим ғафлатда қолишди, чамамда. Душман заҳарлаган сўз, ахборот кучини кўрсатди. Онгни фалажлади. Ажабо. Бугун ҳам дунё саҳнасида айнан шу кураш, шу муҳораба усули машҳур. Онгни фалажлашнинг ҳар турли усуллари урчиган. Қўли қонга ботмагандек кўринади. Лекин тили – қон, дили – қон. Нияти қип-қизил қон. Шўролар севган қизил рангдан қон ҳиди анқийди.

«Ватанпарвар» газетасининг 2020 йил 24 апрелдаги 17-сонида берилган «Озодлик курашчилари ва босмачи тамғаси» мақоласида «Красная звезда» саҳифаларида олиб борилган «жанг» хусусида тўхталганмиз. Шу сабаб бошқа бир жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Газетанинг 1923 йил 18 декабрдаги сонида «Ҳарбий мухбирларнинг фронт конференцияси» рукни остида материал берилган. Бу Туркфронт инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси, фронт сиёсий бошқармаси бошлиғи Шапошниковнинг «Туркфронтнинг ҳарбий-сиёсий аҳволи ва қизил армия матбуоти» номли маърузаси. Маърузанинг кириш қисмига аҳамият беринг. Унда таҳририят шундай изоҳ беради: «Ўрток Шапошников маърузасида Туркистондаги босмачилик ҳаракати бўйича вазиятни ифодалаб, бухоролик босмачиларга қарши курашдаги асосий вазифаларга, сўнгра халқаро вазиятга тўхталди ва бу шароитда Қизил армия газетаси ҳамда унда ҳарбий мухбирларнинг вазифасини таъкидлади».

Бу нимадан далолат? Англаган бўлсангиз, Туркфронт ҳарбий кенгашининг мафкурага масъул катта амалдори мухбирларга «босмачилик» ҳақида қандай ёзиш, нимани ёзишга кўрсатма берган. Бундай анжуманларга нафақат таҳририят штатидаги, балки Қизил армия сафларидаги жамоатчи мухбирлар ҳам жалб этилган.

Тилга олинаётган конференцияда амалдор дастлаб «босмачилик» муаммосига, сўнгра халқаро масалага тўхталади. Ваҳоланки, дунёни бўлиб олиш йўлида кураш авж олиб, сиёсат саҳнасидаги муҳим «ўйинчилар» таҳдиди шўроларни хавотир, таҳликага солаётган давр эди. Халқаро масала «чирсиллаб» турганди. Қолаверса, чўққисоқол «доҳий» ва гумашталари иштаҳаси очилиб, «жаҳон инқилоби»ни амалга ошириш, бу вирусни дунёга тарқатиш ҳақида бош қотираётганди. Шунча муаммо турганига қарамай «босмачилик» билан боғлиқ бош оғриғига Шапошников нега биринчи даражали масала сифатида эътибор қаратди, ҳарбий мухбирларга уқтирди?

Савол ўринли. Факт ва мантиқ «сўзласин». Шўроларда қўрқув, ҳадик бор эди. Беҳисоб ер ости ва ер усти бойликларига эга заминни, хом ашё етказиб берадиган тайёр «қулларни» қўлдан чиқариш қўрқуви. Миллий озодлик ҳаракатига бутун халқ қўшилиб кетса, уни тўхтатиб бўлмаслик қўрқуви. Туркий халққа хос қадим жасоратнинг қонда уйғонишидан қўрқув. Мана шу қўрқув, ваҳимани «ўлдириш» учун жазо, алдов, фитна, хуллас зулмнинг қандай усули бўлса қўлланилиши керак эди. Акс ҳолда... Кечаги кун қайтарилиши, тизгин қўлдан чиқиб кетиши мумкин. Чор Россиясига қарши ўн тўққизинчи аср охири ва октябрь тўнтаришига қадар маҳаллий аҳоли онгида шакллана борган қаршиликлар, исёнлар, қўзғалонларни назарда тутяпман. Буни шўролар билмаслиги мумкин эмасди. Воқелик ҳали совуб улгурмаганди.

4922 ТА ҚЎЗҒОЛОН

Воқеликка шўролар тарихчиси Пётр Галузонинг 1929 йилда чоп этилган «Туркистон – колония» китоби орқали йўл олдик. Холис позицияси бор, деган тахмин билан.

Дастлаб муаллиф ҳақида қисқача сўз. У 1897 йилда Россия империясининг Могилёв губернясида туғилган. 1923 – 1926 йилларда Тошкентдаги университетда ўқитувчилик қилади. 1924 – 1937 йилларда Туркистон марказий қўмитасида, Туркманистон қишлоқ хўжалиги олий мактабида раҳбарлик лавозимларда ишлаган. «Советское хозяйство Туркмении» журналига бош муҳаррирлик қилган. 1937 йилда партиядан ўчирилиб, қатағон қилинади. Изланишларимиз жараёнида Туркистон муаммоси бўйича нуқул қатағон ёки қатл қилинган шахслар учраяпти. Демак, улар билибми, билмайми ҳақиқатни айтиб қўйган. Шу сабаб ҳам улардаги нисбатан холисликка ишонмоқ истадик.

Китобнинг 135-саҳифасида жадвал келтирилган. Унда 1899 – 1917 йиллар орасида Фарғона, Самарқанд, Ҳазарбўйи, Сирдарё, Еттисув вилоятларида 4 922 марта чор ҳукуматига қарши қўзғалонлар бўлгани акс этган. Йилига тахминан 270 та қўзғалон. Бу мустабидлар зулмига қарши деярли ҳар куни битта исён, норозилик, қаршилик, кураш, дегани. Масалан, биргина 1917 йил бўйича тўлиқ бўлмаган маълумотларни таҳлил қилдик. Маълум бўлишича, халқ Фарғонада 324 маротаба, Ҳазарбўйида 171 та, Самарқандда 47, Еттисувда 5 та қўзғалон – жами 547 маротаба мустабидларга қарши исён кўтарган. Қўрқув, таҳликага асос бўладиган рақамлар. Мана, нимага шўролар миллий озодлик ҳаракатини бостиришга ҳам қурол, ҳам мафкура кучини ташлаган?!

Шу сабабли ҳам миллий озодлик ҳаракати ҳовурини босиш, «эрк», «озодлик» тушунчаларини миллат онгу шууридан ўчириб ташлаш учун матбуотга оғир «юк» ортишди. Ижтимоий буюртма, партиявий топшириқ! Кимсан сиёсий бошқарма бошлиғининг ўзи қаламкашларни йиғиб, вазифа қўяди-ю яна қанақа номлаш мумкин?

Шапошниковнинг мухбирларга қилган маърузасидаги қуйидаги сатрларга эътибор қаратамиз: «Айни пайтда сизларнинг ўта муҳим вазифангиз маҳаллий аҳоли ва Қизил армия билан босмачилик фронтидаги курашда янги усулларни қўллаб сиёсий силжиш, ўзгаришга эришаётганимизни ёритишдан иборат».

«Красная звезда»да чоп этилган мазкур материал, ҳарбий мухбирларнинг фронт бўйича конференцияси резолюциясида белгиланган вазифалар шўро ҳукумати нашрни шакллантириш учун жамоатчи ҳарбий мухбирлар (военкор), тарғиботчиларга бежиз алоҳида эътибор қаратмаганини кўрсатиб турибди. Мақсад аниқ. Тиғ билан ололмаганни, забт этолмаганини қалам билан олиш. «Жаноб» Шапошников назарда тутган янги усуллардан бири шу бўлса керак. Аммо бу жавобдан ўзим ҳам қониқмадим. Яна изландим.

ҚОНЛИ УСУЛЛАР ВА МАХСУС ЙЎРИҚНОМА

Янги усуллар. Мен айнан Шапошников айтган усуллар нима эканини билмайман. Мантиққа асосан тахмин қилиш мумкин. Олдинги мақолаларда ҳам бу ҳақда айтилган. Маҳаллий аҳолини миллий озодлик курашчиларига қарши қайраш. Қизил армия сафларидаги онги қотиб улгурмаган аскарларга «босмачи»ларни олабўжи қилиб кўрсатиш. Бу билан нафрат ўтини кучайтириш. Мана қўллаган усулининг соддагина тавсифи. Аслида газетада берилган материаллардан худди шу усулнинг «нафаси» бурқсиб турибди.

Аммо бу кураш билан чекланиб бўлмаслиги оддий ҳақиқат. Қўлимизда 1924 йилда Туркистон фронти ҳарбий инқилобий кенгаши томонидан чоп этилган «Босмачиларга қарши кураш бўйича йўриқнома тўплами (Сборник указаний по борьбе с басмачеством)». Туркфронт штаби босмахонасида 1 000 нусхада чоп этилган. М.Фрунзе ва С.Каменев томонидан тайёрланган. Кириш қисмида Р.Берзин, Пугачев, Шапошников – Туркфронт ҳарбий кенгаши аъзолари фикрлари берилган. Унда шундай жумлалар бор: «Курашнинг тобора мураккаблашаётгани ва янги усуллар қўлланилаётгани Туркистон фронти ҳарбий инқилобий кенгаши олдига бу қўлланмани чоп этиш заруратини қўйди».

Китобда С. Каменев имзоси билан «Босмачиликка (бандитизмга) қарши кураш тизими» берилган. Ундаги умумий қоидалардан айримларини келтирамиз:

- босмачиликка қарши кураш совет органлари қўшинлари ва сиёсий тадбирлари билан олиб борилиши зарур;
- ҳарбий усуллар қуйидагича олиб борилади: босмачилар эгаллаган ҳудуд манёврланган (тезкор) ва қирувчи отрядлар томонидан оккупация (босиб олиш) қилинади, сўнгра тозалаш ишлари олиб борилади. Бунда ҳаво кучлари ҳам қўлланилади;
- сиёсий иш босмачилар босиб олган ҳудуддаги омма мафкурасини синдиришга қаратилиши керак. Аҳоли кураш жараёнини англаши учун уларга ҳар бир йирик ҳарбий ҳаракат якуни бўйича маъруза ва тарғиботлар қилиш.

Шунингдек, жосуслик, ўзига оғдириб олиш, жазо ва ҳоказо усуллар ҳужжатда умумий тарзда келтирилган. Айнан «ва ҳоказо» қисмига қизиқиш пайдо бўлди. Манбаларни қараганимизда «мана мен» деб бўй кўрсатди. «Совет армияси жангчилари бутун-бутун шаҳар ва қишлоқларнинг кулини кўкка совуришар, қишлоқларни ҳаводан туриб самолётларда бомбардимон қилишар, тинч аҳолини қириб ташлашар, Фарғона халқини заҳарли газ ишлатиб, бўғиб ўлдиришар, қисқаси М.Фрунзе ва кейинчалик С.Каменев томонидан махсус Туркистон учун ишлаб чиқилган «Босмачиларга қарши кураш» йўриқномасини сўзсиз бажаришар эди», деб ёзилган «Ўзбекистоннинг янги тарихи» иккинчи китоби 94-бетида.

Мана сизга сиёсий ва қуролли тадбирлари, усуллари. Ваҳшийлик, зўравонлик, зулм асосига қурилган усуллар. Қонли усуллар. Булардан ўзини мудофаа қилганлар, ҳақ йўлда курашганларни босмачи дейиш учун маданий қилиб айтганда инсоф, андиша керак эди.

Алижон САФАРОВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети катта ўқитувчиси

кайфияти бузилган, русчасига бўралаб сўкинар эди.

Унинг ҳузурига чорланганлар остона ҳатлаб, бир қадам берида тўхташди. Марат уларга эътибор ҳам бермасдан валдирашда давом этди. Кейин шиддат билан улар тарафга бурилди-да, қаҳру ғазабга тўлиб бақирди:

– Я давал вам статус «деда»?

– Худди шундай! – деб ҳайқирди иккаласи бирваракайига.

– Нима қилдиларинг, ифлослар, нима қилдиларинг мен берган статусни?! Менинг гапим гап эмасми?! Қани менинг обрўйим, ҳурмат-иззатим?!

Шу пайт Фозил қулоғининг тагига тушган муштдан чайқалиб, ўнг тарафдаги каравотга бориб урилди. Иккинчи муштдан Улаш нариги томонга учиб кетди. Фозилнинг кучли зарбадан боши айланиб, кўз олди бутунлай қоронғилашиб қолди. Йигит бўлиб ҳали бунақа мушт емаган эди.

– Олинглар буни, крематорияга ташланглар! – деб бақирди Марат.

Иккита бақувват йигит Улашни қўл-оёғидан даст кўтариб, ловуллаб ёниб ётган бочканинг олдига олиб боришди.

– Крематорий, крематорий!.. – деб афтини бужмайтириб кулди Марат. Сўнг Улашнинг сочидан чангаллаб, ўзига қаратди. – Совқотдингми, исингинг кепқолдими, ифлос!

Кейин йигитнинг сочини қўйиб юбориб, бояги икки нафар хонадошига қараб ҳайқирди:

– Қани, яқинроқ, яна, яна яқинроқ, калласи пишсин бу хомкалланинг.

Улаш қўрқувдан дағ-дағ титрарди. Бироз муддатдан кейин Марат Улашни ҳамон қўл-оёғидан ушлаб турган аскарларга қараб бақирди:

– Бўлди, қўйиб юборинглар!

Йигитлар Улашни орқага қараб улоқтиришди. Бояқиш тиззаси билан сирпаниб, Фозилнинг оёқлари остига келиб тушди.

– Тез қорангни ўчир икковинг ҳам! Иккинчи марта яна шундай шарманда қилсаларинг, ўлдираман, крематорийга ташлайман!

Шошилинчда бир-бирига урилиб, бошларини чангаллаганича ташқарига чиқишди. Сўнг савол аломати билан Аброрга қарашди.

– Сизларни ким мажбур қилди ўтин ташишга? Энди бир-икки кун кўзига кўринмай юринглар. Бўрининг олдида бўри бўлиш керак, бошқа гап йўқ, армиянинг закони шундай, – деди Аброр. Сўнг акаларча маслаҳат берган бўлди:

– Эй, латта-лапашанглар, кийимларингга бундай қарасаларинг-чи! Эртагача этикларинг «гармошка», камарларинг силлиқ ва майин бўлсин! Камар деб эшакнинг тўқимига уриладиган айил-арқонни тақиб олганмисанлар, нима бало!

– Унақасини қаердан топса бўлади? – деб ҳайиқибгина сўради Улаш.

Аброр қорнини чангаллаб, мириқиб кулди.

– Мана шундай латта чайнаб юраверсанг, ким сенга олиб келиб беради, эй содда бачча? Ўзинг топасан, ким заиф, кучсиз бўлса, ўшандан оласан, билдингми? Бўлди, тарбиявий соат тугади! Билиб қўйинглар, яна подводить қилсаларинг, аяб ўтирмайман, бугун мен аралашганим учун осон қутулдиларинг, лекин бошқа бундай бўлмайди.

Лутфулла хизматдошларининг арзини эшитиб, «ҳозир есть қиламиз», деди. Кейин каравотларнинг оёқ тарафига бир текис қилиб териб чиқилган этикларни бирма-бир кўздан кечирди. Катак-катак қилиб бужмайтирилган – «гармошка» қилинган этикнинг ёнида тўхтаб, юқори қаватда ётган хўжасини пастга имлади. Ўзбек йигит экан, «Эшитаман, ўртоқ бошлиқ!» деди қаршисида кўксини ғоздек кериб.

– Қўлингдан келадими? Манави иккаласининг этигини ҳам шундай қилиб безайсан! – деди Лутфулла.

– Ҳозир боплаймиз! – деди ҳалиги йигит. Кейин тўшагининг оёқ тарафидан қўлбола пичоқ ва омбурга ўхшаш бир нарсани олди.

У бирпасда иккала жуфт этикни ҳам катаксимон матодек эгилиб-букланадиган қилиб ташлади.

– Буни янги келинчакнинг каштасидек безаб ташлабсан-ку! – деди Лутфулла этиклардан бирини қўлига олиб қарар экан. – Нима бало, нақкошмисан?

– Отам ёғоч ўймакор уста, болаликдан бирга юриб ўрганганман, – деди йигит.

Улаш этикларини кийиб, қўнжини бармоқлари билан секин босган эди, тўпиғигача йиғилиб, пастга тушди.

– Ана бу ҳақиқий «гармошка», – деди Лутфулла овозини баланд қўйиб, – ишдан қайтиб келганда ёйиб қўйиб, шашка-шахмат ўйнасаям бўлади.

– Соппа-соғ этикнинг расвосини чиқардинг-а!.. – деди Улаш хафа бўлгандек.

– Этикни «гармошка» қилмасанг, ўзинг гармошка бўласан, буни армия деб қўйибди, жўра! – деб Лутфулла одатдагидек маърузасини ўқишни бошлади. – Тағинам шукр дейиш керак, ўзимизнинг онакентликлар экан.

– Онакентликман деб онамизни кўрсатадиганга ўхшайди, – деди Фозил секингина.

– Ўзингдан чиққан балога қайга борасан давога, – деди Лутфулла ҳам секингина хўрсиниб. Кейин бирдан ҳушёр тортди-да, овозини баланд қўйиб, қўшни палатка тарафга қараб сўзлай кетди: – Бизга мана шундай шароитларни яратиб берган Марат Абдулхановичга тасаннолар бўлсин!

Эртаси куни шанба яқинлашиб келаётганини назарда тутиб Улаш Фозилга кўнглидаги гапни айтди:

– Жўра, Кремлга бормай қўяқолайлик. Бу ёвуз аждарҳо шу ҳолингда расмга тушиб юрибсанларми, деб яна бошимизга бало бўлмасин.

– Ё Кремль, ё «Крематория», қайси бирини танлайсиз? – деди Фозил заҳарханда қилиб. – Янги йил байрами яқинлашяпти, чиройли табрикнома юориб қўяқоламиз. Бу ердан соғ-омон кетиб олсак, у ёққа боргандан кейин бирон чорасини топармиз. Қуриб кетсин олимпиадасиям, ўша ёқларда тинчгина юравермаймизми, майли, қорасақич чайнаб бўлсаям.

Улашнинг кўнглини соғинч ўртаб турган экан, йиғламсираб деди:

– Жўра, энди тушундим, дунёда қишлоғимдан яхши жой йўқ экан! «Ўз уйим – ўлан тўшагим» Ўзимизнинг қизлардан қўймасин, ота-онам кимни олиб берса, шунга уйланаман! Мусофирчиликнинг бундай азоблари бор экан, «ёт элларда султон бўлгунча ўз юртимда ултон бўлай!»

– Хафа бўлманг, бу кунлар ҳам ўтиб кетади! Олдинда ҳали қанча қийинчиликлар бор, – деди Фозил унинг кўнглини кўтарган бўлиб.

Львовликлар гуруҳида Козим исмли йигит бор эди. У ўзи билан бирга келган хизматдошларига сираям ўхшамас, доимо ёлғиз хаёл суриб юрарди.

– Нега сиз уларга қўшилмайсиз? – деб сўради Фозил бир куни.

– Мен «бўри» бўлолмайман, улар қилган ишни қилолмайман, – деди у ғамгингина жилмайиб.

– Барибир хизматдошсизлар, яна Марат ака билан бир шаҳарда туғилиб ўсган экансиз...

– У мендан ҳам «бўри» бўлишни талаб қилади, лекин мен бошқача оилада тарбия топганман, ота-онам ўқитувчи, ёшлигимдан бировга ёмонлик қилма, деб ўргатишган. Бегуноҳ одамларнинг жиғига тегиб, уларни норози қилиш қўлимдан келмайди.

– Унда нима қиласиз, доим якка-ёлғиз эзилиб юраверасизми?

– Мана, сизларга ўхшаган одамлар ҳам бор, ҳаёт фақат «бўрилар»дан иборат эмас-ку, бу кунлар ҳам ўтиб кетади.

Бир куни кечаси Марат қўшни палаткалардан бирида аллақайси шаҳардан келган кавказлик аскарларнинг ётоғига бориб, жанжал чиқарасан, кейин биз етиб борамиз, бизга ҳамма тан бериши керак, деб Козимни қистовга олибди. У рози бўлмабди. «Ухлаб ётган аскарларни бориб уйғотиш – низомга зид иш, мен жавобгар бўлиб қамалиб кетишни истамайман», дебди. Марат эса: «Неча марта айтганман, сен эркак эмассан, нима учун бизнинг гуруҳда ўралашиб юрибсан, ҳозир крематорийга тиқаман!» деб аввалига роса дўппослабди. Кейин ҳалиги икки алпқомат йигит бечорани кўтариб бориб боши билан печканинг оғзига тиқибди. Яхшиям, оловнинг чўғи паст экан, бечоранинг фақат пешонаси куйиб, доғ бўлиб қолибди. «Ҳозироқ чиқиб кет бу ердан, бизнинг орамизда сенга пишириб қўйгани йўқ, яхшиси, ўзингни ос!» деб Марат уни ташқарига ҳайдабди.

Козим бечора совуқда қалтираб Фозиллар ётган палаткага келиб, остонадаги ўриндиқда мудраб ўтирган навбатчидан ичкарига киритишни сўрабди. Навбатчи Лутфуллани чақирибди. «Йўқ, мен рухсат беролмайман, Марат ака ҳаммамизга устоз, раҳбар, ҳурматли одам, онакентликларнинг фахри, у кишининг раъйига қарши боришга кимнинг ҳадди сиғарди, нима, мен ҳам крематорийда ёниб кул бўлишимни истайсанми?» деб ётоққа қўймабди. Козим эрталабгача палатка йўлагида, навбатчининг олдида минг азоб билан тонг оттирибди.

Шу воқеадан сўнг Козим икки кунча кўринмай қолди. Учинчи куни меҳмонхона ертўласининг пастки қаватидан ўлигини топишди. Ўзини осиб қўйган экан.

Кўз очиб-юмгунча Янги йил ҳам келиб қолди. Ўттиз биринчи декабрь кечаси ётишга буйруқ берилганидан сўнг бир соат ўтар-ўтмас «Ҳамма ташқарига чиқиб, сафлансин!» деган амру фармон янгради. Шу яқин атрофдаги гарнизон бошлиғи, қирқ ёшлардан ошган полковник экан. Кеча тонгга яқин совет қўшинлари Афғонистон ҳудудига кириб, Муҳаммад Амин саройини эгаллагани, бу мамлакатда халқ ҳокимияти ўрнатилгани ҳақида ахборот берди. Юзага келган ҳозирги мураккаб вазиятда ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳушёрлик ва огоҳликни ошириб, партия ва ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган топшириқларни бажаришда янада фаол бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Орадан бир ҳафтача ўтиб, «Афғонистонга кўнгилли бўлиб кетишни хоҳлаётганлардан аризалар қабул қилинаётган экан», деган гап чиқди.

– Жўра, ариза ёзиб жўнавормаймизми? Бирйўла мана бу ёвуз жаллодлардан ҳам қутулар эдик, – деди Улаш «крематорий»га ишора қилиб.

– Ёмғирдан қочиб, дўлга тутилмоқчимисиз? Уруш дегани ҳазил эмас-ку! – деди Фозил. – Қримдан кўра бу ер яхшироқ бўлар, деган умидда келган эдик, лекин қани яхши бўлгани? Баттар бўлди-ку! Озгина кутайлик, «сабрнинг таги сариқ олтин».

Бу орада Маратнинг захм касалига чалиниб, касалхонага тушгани маълум бўлди. Палаткадаги ҳаёт анча эркинлашиб қолди.

Фозил кечалари бекор ўтирмасдан, қурилишда кўрган-кечирганларини ён дафтарчасига ёзиб борарди. Қримлик тўрт ҳарбий хизматчи – Лутфулла, ўзи, Улаш ва Меҳрожнинг шундай улуғ ишда қатнашаётгани ҳақида «Красная звезда» газетасига кичикроқ мақола ёзиб юборган эди, босилиб чиқди.

Февраль ойининг ўрталарида Лутфулла ҳовлиқиб гап топиб келди.

– Бу ерда бизга иш қолмабди, эрта-индин Қримга қайтиб кетар эканмиз, – деди у. – Лекин ёзгача шу ерда қолсак, жа, зўр иш бўларди-да, Олимпиаданинг очилишини кўрардик. Тасаввур қилинг, Москвага бутун дунёдаги манаман деган спортчилар, энг гўзал қизлар келади, жаҳоннинг нигоҳи шу ерда бўлади!

– Ёзгача бу ерда ҳеч кимни қолдиришмайди. Бегона одам тугул ҳатто пашшани ҳам киритишмайди, буни Совет Иттифоқи деб қўйибди. Ана, ҳозирданоқ ҳаммани ҳайдашни бошлаяпти, – деди Фозил.

Эртага йўлга чиқамиз деб туришган куни Меҳрож Шавриков Лутфулладан сўради:

– Устозингдан ҳол-аҳвол сўрадингми? Ҳалиям кўринмаяпти, касалхонадан чиқмаган шекилли? Кетиш олдидан хайрлашмайсанми?

– Ўртоқлар, бундай буржуача сўл қарашдаги шахслар бизга ҳеч қачон дўст бўлолмайди. Бизнинг йўлимиз – отадек ғамхўр партиямиз йўли, ғолибона юришда давом этаётган социализм йўлидир. Шоир айтганидек, йўлдошим бўлолмас кўзда ёши билан кулганлар! – деди Лутфулла жавоб қониқарлими, дегандек Шавриковга маъноли қараб.

– Лаънати, сен сувдан қандай қуруқ чиқишнинг ҳадисини олгансан! – деди Шавриков эринибгина оёғига пайтавасини ўрар экан.

Севастополда уларни прапоршик Пётр Жучков кутиб олди. Шунча азоблардан кейин айёргина шу одам ҳам кўзларига недир бир яхши тарафлари бор эски қадрдондек кўриниб кетди. Машинага минишар экан, у Фозилни бир четга тортиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Кейин деди:

– Мақолангни ўқидим, эй, сен дурустгина ёзувчи экансан-ку, дўстим! Билсам, зинҳор Москвага жўнатмас эдим, истеъдодли одамлар ҳамма жойда керак. Энди ротадаги ёзув-чизувларни, «Жанговар варақа» чиқаришни сенга топширамиз, командирлар билан келишдик. Қора мой ҳақида унут. Энди сен Олимпиада қурилиши иштирокчиси, таниқли одамсан, ротанинг фахрисан, тушундингми, хотиржам бўл!

Муртазо ҚАРШИБОЕВ

МУЛОҲАЗА

ЭНГ МАШҲУР ФЕЙК СУРАТЛАР

«Bright side» нашри ижтимоий тармоқлардаги «энг ишончли» деб топилган фейк расмларни тўплади. Бу фейк расмлар тармоқ фойдаланувчилари томонидан 30 миллион марта улашилган ва муаллифларга 2 миллион долларгача фойда олиб келган.

Табиатнинг «мўъжизаси». Афсуски, бундай мўъжизани ҳали ҳеч ким кўрмаган

Булутлар устидаги селфи

Германия интернет нашрларига ҳақиқий деб сотилган 18 минг долларлик сурат

Сиёҳранг тарвузни кўргансизми?

ЁЛҒОН ТИНИМСИЗ ТАКРОРЛАНСА...

«FAKE»! Ишонманг!

«Модуль» платформасидан онлайн дарсларни бажараётганимда «Telegram»нинг «жинғироғи» мени чалғитди. Хабарлар кўп. Доимгидек синфдош, курсдош ва яқин қариндошлар гуруҳидаги янгиликлар терилиб турибди, яна уч-тўртта «яшил доира»лар ичида эса «Коронавирусга даво топилди, саримсоқ пиёзнинг сувини қайнатиб ичиш керак», деб ёзилган хабарга кўзим тушди (бундай хабарлар пандемия пайтида кўп ва хўп келган). Қаранг-а! Агар соддароқ киши бўлганида, уйидаги бор саримсоқ пиёзни майдалаб, сувини ичган бўларди. Эпидемия энг ривожланган давлатларнинг тиббиётини ҳам довдиратиб қўйган бир пайтда, бу устамонларнинг топилмасига қаранг. Тўғри, бу маҳсулот табобатда ўз ўрнида шифобахш, аммо бундай ёлғон, аниқ исботланмаган маълумотнинг тарқалиши, кишини чалғитади ҳам.

Замонавий масс-медиада тарқатилаётган ҳар бир янгиликни текширишга бўлган зарурат ҳар қачонгидан муҳим. Аксарият соҳа экспертларининг қайд этишларича, ҳозир биз – «ҳақиқатдан кейинги давр, яъни фейк янгиликлар асри» («post-truth or fake news era»)га кириб келдик. Ҳозирда ахборот сайтлари ва блогерларнинг соҳада энг катта муаммоси аудиторияни мунтазам «ушлаб» туришдан иборат. Шунинг учун сарлавҳаларга урғу бериш, ҳар хил уйдирма хабарларни ёритиш, сенсацион янгиликларга ўч бўлиш табиий. Ахборотлар оқимида сохта, уйдирма хабарларни саралаш ва тўхтатишнинг имкони йўқ. Негаки, фейк хабарлар ҳақиқат қобиғига «безанган» бўлиб, уларни умумий ахборот оқимидан ажратиш қийин.

Фейк – инглиз тилидаги «fake», яъни сохта, уйдирма, ёлғон деган маънони билдиради. Инглиз тилининг энг нуфузли изоҳли луғатларидан бири – Соллинс «fake news»ни «янгилик сифатида тарқатиладиган ёлғон, баъзан шов-шувли ахборот» сифатида тавсифлайди. Қайд этиш ўринлики, жаҳон матбуотида 2016 йилдан буён ушбу сўз бирикмасининг ишлатилиши қарийб 400 фоизга ўсган. Шу сабабли Соллинс тузувчилари «fake news»ни «2017 йилнинг энг машҳур сўзи» сифатида эътироф этган.



Жаҳон матбуотида фейк хабарларнинг қўлланиши

Оломонлик ҳисси

Журналист ўз жонидан кўра бошқаларнинг ҳаётини ўйлаб «олов» ичига кирар экан, ундан омон чиқиш учун энг аввало оломонлик ҳиссини ўзидан соқит қилиши зарур. Фейк хабарларга алданиб қолишнинг сабаби бу оломонлик ҳиссидир. Бу ҳис ҳали-ҳануз инсонларнинг томирида қондек сизиб юради. Буни ҳар қадамда ҳаётий мисолларда кузатиш мумкин. Масалан, қулупнай олиш учун бозорга кирдингиз. Сотувчилар харидорлардан кўп. Маҳсулотни ўзингиз истаган сотувчидан олишингиз мумкин, лекин кўзингиз одамлар тўпланиб, талашиб-тортишиб қулупнай сотиб олаётган растага тушади. Сиз ўйлаб ҳам ўтирмай, навбат кутиб бўлса-да, қулупнай харид қиласиз.

Ёки катта бир тадбир бўлаётган залдасиз. Нотиқнинг нутқидан сўнг кимдир гулдурос қарсак чалиб юборди. Қарсаклар қўшилиб, «қулоқни қоматга келтирди». Сиз нотиқнинг сўзини эшитмай қолгандингиз, лекин берилиб қарсак чалаётганлар орасида ўзингизни ҳам кўрасиз.

Юқоридагилар оломонлик ҳиссининг жуда кичик ва оддий кўринишлари. Бироқ «митти уруғдан катта дарахт униб чиқади», деганлари бор гап. Жамиятда юз берадиган воқеа-ҳодисалар жараёнида ўз мустақил фикрига ва қатъиятига эга бўлган журналистлар нафақат ўзини, балки бутун бир миллатни, жамиятни оломонлик ҳиссидан қутқара олади. Журналистика бу оломонлик ҳиссига қарши кучдир. Журналистиканинг асосий вазифаси жамиятни оломонлик ҳиссидан ҳимоя қилиш, оломонпарастлик иллатини батамом йўқотиб, халқпарварлик ғоясини илгари суришдир.

Устамонлар...

Яқинда бир танишим фирибгарларнинг навбатдаги ўлжасига айланди. Телеграмда нотаниш «nick»дан унга «Сиз бизнинг ўйинимизда ғолиб бўлдингиз, соврин – бир миллион сўм! Бизга пластик карта рақамингизни жўнатинг ва кодни айтинг», деб хабар келган. Содда танишим ўйлаб ўтирмасдан айтганини бажарган ва натижада пластигидаги бор пулидан ажралган. Фирибгарлар тузоғига тушган бундай танишлар барчамизда учрайди.

Нукус шаҳридаги мактаблардан бирида ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Г.П. ижтимоий тармоқларнинг бирида Марк Роберт исмли киши билан танишиб қолади. Нотаниш шахс унга АҚШда жойлашган нуфузли компанияга ишга киритиб қўйишини айтиб, ишончига киради (бу ҳақда «postda.uz» интернет нашри хабар беради). Маълум бўлишича, содда ва ишонувчан юртдошимиз ҳужжатлар, виза, йўлкира ва бошқа «харажат»лар учун жами 165 миллион 323 минг сўм маблағини халқаро пул ўтказмалари орқали Нигерия давлатидаги ҳисоб рақамларига ўтказиб юборади. Табиийки, фирибгар шу кунга қадар берган «ваъда»сининг устидан чиқмайди.

Бундай фирибгарлар интернет тармоғида жуда кўп. Баъзилари шу қадар ишончга кирадики, унга қандай алданиб қолганингизни сезмай ҳам қоласиз.

Дунёнинг деярли барча ривожланган мамлакатларида фейк хабарлар масаласига жиддий муносабатнинг шаклланиб улгургани, бу борада аниқ концепцияларнинг яратилгани нафақат минтақада, балки жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Мутахассисларнинг хулосаларига қараганда, ахборот технологиялари ривожланган давлатларда раҳбарлар, бошқарув ходимлари, тадбиркорлар фейклар билан ишлашга ўз вақтларининг 30 фоиздан 80-95 фоизини сарфлашар экан. Бу табиий ҳолат. Чунки ишончли ахборотларга эга бўлиш ҳамда уларни ўз вақтида етказиш, амалиётда унумли фойдаланиш самарали бошқаришни таъминлашнинг шарти ҳисобланади.

Қонунчилигимизда нима гап?

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида интернетда тарқалувчи ёлғон хабарлар учун жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида қонун ҳужжати мавжуд эмас. Лекин ахборот, ахборотлаштириш ва реклама соҳаларини, оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонун ҳужжатлари бор. Жиноят кодексининг 168-моддасида белгиланган фирибгарлик жиноятини квалификация қилиш мумкин. Кишилар ўртасида ваҳима ва қўрқув кайфиятини уйғотиш мақсадида нотўғри хабар бериш учун жазо чораси ушбу кодекснинг 237-моддасида белгиланган.

Бундан ташқари, интернет тармоғида кишиларни ўзига жалб қилиш, бойлик орттириш мақсадида оғир касалликларни даволовчи дориларни ихтиро қилганлиги ёки шундай беморни даволашини айтиб ёлғон ахборот тарқатганлиги учун Жиноят кодексининг 168-моддаси билан тартибга солинади. «Реклама тўғрисида»ги қонунда нотўғри ва яширин реклама тушунчаларининг мавжудлиги, ёлғон рекламага қарши курашиш бўйича норматив асос борлигини кўрсатади.

Ёлғон бот-бот такрорланса, ҳақиқатдек жаранглай бошлаши бор гап. Шунинг учун ахборот тарқатаётганда, унга жавобгар эканлигимизни унутмайлик.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
«Vatanparvar»

БИЗ ЯШАЁТГАН ДУНЁ

ҲАРБИЙ ШИФОКОРЛАР ЖАСОРАТИ

Яқинда телевидениеда коронавирус инфекциясига чалинган беморларни даволашда иштирок этаётган шифокорнинг интервью бераётганига кўзим тушди. Унинг нима ҳақда сўзлаётганидан кўра қандай ҳолатда эканлиги эътиборни тортди. Чунки кўзида, юзида ҳорғинлик, чарчоқ бор, сўзлари титраб чиқяпти. Бу билан шифокорнинг кўринишидан нолимоқчи эмасман. Аксинча, карантин бошланганидан бери ўз яқинларини кўролмаётган, уйига бир кун ҳам бормаган, туну кун беморлар, карантинга олинган фуқаролар соғлиғи ҳақида қайғураётган шу ва шу каби шифокорларимиз ҳолини тасаввур қилдим ва ич-ичимдан уларга таҳсин айтдим. Бир сония тиним билмай меҳнат қилаётган докторлар матонати ва сабрига, қасамёдига содиқлигига тасаннолар ўқидим.

Сурат таҳририят архивидан олинган

Шифокорлар – чиндан ҳамма замоннинг қаҳрамонлари. Улар нафақат олган билимлари ва тажрибасини, балки виждонини ҳам ишга солган ҳолда машаққатли вазифасини адо этади. Шу хаёллар билан бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши даври тасвирланган «Виждон амри билан» номли Америка фильми бош қаҳрамони Дезмонд Досс ёдимга тушди. У урушда жон олишдан кўра, кишиларга ҳаёт бағишлашни афзал билади. Қўлига қурол эмас, балки тиббий асбоб-ускуналарни олади.

Эпидемия ва пандемиядан ташқари уруш даври ҳам фавқулодда вазиятлар сирасига киради. Бундай даврда урушда иштирок этаётган аскарнинг хизмати ва ҳарбий шифокорларнинг ярадор аскарларни соғайтириб, яна сафга қайтариши Ватан олдида бир-биридан кам баҳоланмайдиган хизматдир. Буни биргина Иккинчи жаҳон уруши даврида 22 миллион ярадор аскарнинг 71,7 фоизи даволаниб, совет

қўшини сафига қайтарилгани ҳам исботлаб турибди. Мазкур яраланган аскарларнинг 20,8 фоизи ҳарбий хизматга яроқсиз, деб топилиб, ўз уйига қайтарилган ва афсуски 7,5 фоизининг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмаган. Юқорида келтирилган статистика уруш даврида ҳарбий шифокорларнинг ўрни нақадар муҳим эканини кўрсатиб турибди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида, яъни 1941 йил 23 августда Бош қўмондон томонидан 15 та ярадор аскарни унинг шахсий отиш қуроли билан бирга жанг майдонидан олиб чиққан санитарга «Ҳарбий хизмати учун» ёки «Жасорат» медали, 25 та ярадор аскарни унинг шахсий отиш қуроли билан бирга олиб чиқилса «Қизил юлдуз» ордени, 49 та ярадорни олиб чиққан санитарга «Қизил байроқ (занмен)» ордени, 80 та ярадор аскарни жанг майдонидан олиб чиққан санитарга эса «Ленин» ордени бериш тўғрисида буйруқ берилган. Бу ҳам уруш даврида ҳарбий шифокорларнинг хизмати нақадар аҳамиятли эканига яна бир исботдир.

Уруш нафақат ғалаба нашидаси, мағлубият алами, янги қурол технологиялари, тактик ва стратегик ишланмалардан, балки танадаги оғриқ, яра, жароҳат ва оммавий эпидемиялардан иборатдир. Тарихда барча даврларда қўшин таркибида табиблар, кейинчалик ўз замонига хос билим ва кўникмага эга шифокорлар бўлинмаси бўлишига алоҳида эътибор қаратилган. Яраларни боғлаш тажрибаси биринчи марта қадимги Мисрда шифокорлик манипуляциясига айлантирилган. Рим легионларида уруш майдонидан ярадорларни олиб чиқишда шифокорларга кўмак берадиган бутун бошли бўлимлар тузилган.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳарбий шифокорлар жарроҳлик амалиётларини барча техника ва тиббий асбоб-анжомларга эга бўлган жарроҳлик кабинетларида эмас, балки осмон узра тинмай снарядлар учиб турган, тўрт тарафи уруш олови билан ўралган палаткалар, сувости кемалари, учиб бораётган ҳарбий самолётларда амалга оширишига тўғри келади. Уруш вазиятида шифокорнинг диққатини бир жойга жамлаши, чалғимаслиги ва бир инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун стрессни енгиши, ярадор танасига тиғ теккизиши кераклигини тасаввур қиляпсизми?!

Ҳарбий шифокорлар нафақат Гипократ қасамини, балки Ҳарбий қасамёдни ҳам қабул қилади. Улар урушни тўхтатолмайди, бироқ ярадор аскарлар танасидан чиқаётган қонни тўхтатишлари мумкин. Шунинг ўзи ҳам урушда ғалаба учун қўшган энг катта хизмат саналса керак.

Иккинчи жаҳон урушида совет қўшини таркибидаги ҳарбий шифокор ва санитарларнинг деярли ярми аёл-қизлар бўлган. Улар ўзидан икки баробар катта бўлган ярадор аскарларни душман ҳужуми бўлиб турган вақтда жанг майдонидан олиб чиқишига тўғри келган. Яраланган аскарлар, «Сестрица», деб қичқирган холос, шу ондаёқ шифокор аёллар унинг ёнига чопишган. Айрим ҳолларда ёнига келиб тушган снарядлардан ярадорларни ўз танаси билан беркитиши оқибатида ҳарбий шифокорлар ҳаётдан кўз юмишган.

Халқимизда «Танаси бошқа дард билмас», деган нақл бор. Халқимиз донолиги, ақлу закосига шубҳа қилмаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бу ҳикматли сўзга йўғрилган маънодан шифокорлар мустасно. Бунга ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлиб турибмиз. Агар шубҳангиз бўлса, карантин даврида беморларга ғамхўрлик қилаётган шифокорларимизни кўз олдингизга келтиринг. Бу жараёнда жонбозлик кўрсатаётган ҳарбий шифокорларимиз меҳнатини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий шифокорлар малакасини ошириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугун ҳарбий хизматчилар соғлиғини асраш, саломатлигини мунтазам равишда назорат қилиб боришга ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор қаратилаётир.

2019 йил халқаро Армия ўйинлари доирасида бўлиб ўтган «Ҳарбий-тиббий эстафета» мусобақасида ўзбекистонлик ҳарбий шифокорларнинг фахрли биринчи ўринни қўлга киритганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бу ҳам соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг нақадар ҳаётий эканлигини исботлайди. Соғлом танда – соғ ақл деганларидек, шахсий таркибнинг соғлиғи бу – она Ватан ҳимоясининг мустаҳкамлиги.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
журналист

МАТОНАТ

УРУШДА БИРГИНА ЛАҲЗА МАНГУЛИК!

Иккинчи жаҳон урушига отланганида булунғурлик Ўразали Пирманов 17 яшар бола эди. Қаҳрамонимизнинг айни куч-ғайратга тўлган ёшлик дамлари оловли жанг майдонларида ўтиши тақдирнинг аччиқ битиги бўлди.

Ўша урушда қозонилган тарихий ғалаба занжирига минглаб, миллионлаб Ўразалиларнинг ҳаёти дахлдор. Халқимиз фарзандларининг ватанпарварлиги, жўмардлиги, тантилиги, бирлиги инъикоси бор унда.

– Юртимизнинг турли вилоятларидан мен каби чақирилувчилар Чирчиқда 40 кун давомида урушга тайёргарлик кўрдик, сўнг қизил вагонларда жангга отландик, – дея уруш хотираларини эслайди бобо. – Узоқ йўл босиб, фронтга бир неча чақирим қолганида, Польша чегараси яқинидаги ҳудудда тун пайти фашист ҳаво кучлари томонидан биз кетаётган поезд эшелони бомбардимон қилинди. Омон қолган аскарлар барибир Польша ўрмонлари орқали жанг майдонларига кириб бордик. Ўшанда бу чинакам қонли урушга илк қадамим эди. Кейинчалик собиқ Иттифоқ маршали Жуков қўмондонлигидаги 1-Белоруссия фронти ҳамда умумқўшин армиясида хизмат қилиш асносида бу сингари жангларга кириш одатий ҳолга айланди.

Бизнинг полк жанг ҳаракатлари давомида Катюша қуроли билан фашист позициясини эгаллагани хотирамда абадий сақланиб қолган. Жанг ҳаракатлари давомида фашистлар мағлубиятга учраганини билиб, таслим бўлар ёки ортига қочар эди. Қўмондонликдан келган топшириқ бўйича тунги юришларни амалга оширар эканмиз, елкамдан жароҳатландим. Урушда биргина лаҳза мангуликка дахлдорлигини ҳис этганман ўшанда.

Берлинни эгаллаш давомида 15 кун мазкур шаҳарда бўлдик. Уни ишғол этишда кўпроқ ҳаво ва артиллерия қўшинлари билан иштирок этиб, жуда аёвсиз курашдик. Жангларда мен билан ёнма-ён бўлган бухоролик қуролдош дўстим Рустам Шомуродовни кўп эслайман, тақдирни қарангки, иккимиз ҳам урушдан омон қайтдик. Биз у билан Польшадан Берлингача биргаликда борганмиз. Уруш даврида жангчиларни қийнаган асосий нарса туну кун ухламаслик эди. Озиқ-овқатдан кўп қийналмаган бўлсак-да, дам олмасдан жангларда жон олишга тўғри келган. Германиягача фашистлар қўшинини таъқиб қилиб бордик.

Уруш тугагандан кейин Берлин шаҳри атрофида жойлашган баллистик ракета ишлаб чиқарадиган заводни 8 ой давомида қўриқладик. Ўша вақтларда урушдаги жароҳатларим асорати билан ҳарбий госпиталда ётдим. Сўнгра ушбу заводнинг собиқ Иттифоқ ҳудудига олиб келинишида қатнашдим. Хизматдан 1947 йилнинг октябрь ойида қайтдим. Шу тариқа мен уруш туфайли учта ҳарбий қисмда хизмат қилдим.

1926 йили Ниёзмат қишлоғида туғилиб, айни дамда ҳам шу сўлим гўшада истиқомат қилаётган бобонинг ҳикоясини тинглаб, кўз олдингизда жонли уруш саҳналари гавдаланади. У кўрсатган жасорат ва фидойилик беиз кетмаганини кўксини безаб турган жанговар орден ва медаллар тасдиқлаб турибди. Иккинчи жаҳон уруши вақтида у «Сталин», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари, II даражали «Улуғ Ватан уруши» ордени, уруш тугагандан кейин «Польшани озод этишдаги иштироки учун», «Берлинни эгаллашдаги иштироки учун» сингари жанговар медаллар билан тақдирланган.

Турмуш ўртоғи билан биргаликда икки нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган Ўразали ота ҳозирги кунда тўққиз нафар невара, йигирмадан ортиқ эваралари ардоғида умргузаронлик қилмоқда. Бобо бугунги дориламон кунларга шукрона келтириб, келгуси авлод дунёда бошқа уруш кўрмасин, деб ният қилади. Унинг дуосига биз ҳам қўл очдик: «Мамлакатимиз тинч-осойишта бўлсин, Ватанимиз фақат гуллаб-яшнаб, тинчлик ҳар доим ҳукмрон бўлсин. Юртимизни турли бало-қазолардан асрасин!»

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
Шаҳноза ХОЛИҚОВА

ЭЛИГА ҚАЙТМАГАН ҚАҲРАМОН

Иккинчи жаҳон уруши Қорақалпоғистон Республикаси учун ҳам мисли кўрилмаган талафотлар олиб келди. Манбаларга кўра суронли йиллар даврида Қорақалпоғистоннинг аҳолиси 456 минг киши бўлиб, урушга 66 мингдан ортиқ киши сафарбар этилган. 1941 йили қорақалпоғистонлик 4 300 га яқин азаматлардан иборат 97-қорақалпоқ ўқчилар бригадаси ташкил қилинади. Улар Москва ва Сталинград учун бўлган жангларда қаҳрамонлик кўрсатади.

1941–1945 йилларда қорақалпоғистонлик жангчиларнинг 20 нафари «Совет Иттифоқи Қаҳрамони», 6 нафари «Жасорат», 5 мингга яқин киши «Қизил Юлдуз» ва 20 мингдан ортиқ киши бошқа турдаги орден ва медаллар билан тақдирланган.

Улардан бири Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жуман Қарақулов эди. У 1921 йили Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманида, деҳқон оиласида туғилган. Бошланғич таълимни амакисидан ўрганиб, сўнг ўрта мактабни тамомлаган. Жуман болалигидан ўқитувчилик касбига меҳр қўйди. Мактабда дарс беришдан ташқари, ўқувчиларга устачиликни ҳам ўргатди.

1942 йил 7 февралда Қизил армия сафига чақирилиб, 17 февралдан 83-тоғли милтиқ Туркистон дивизиясида хизматни бошлади. У Шимолий Кавказ, Кубан, Қримдаги жангларда қатнашган.

1944 йил 14 январь. Бу вақтга келиб, Жуман қўшиннинг энг олди разведка-ўқчилари сафида эди. Уни сафдошлари «Қора мерган» деб чақирарди. Ҳа, бу ном унга топиб айтилгандай. Чунки у тоғли ҳудудларда вазифаларни чапдастлик ва совуққонлик билан уддаларди. Жуман жангчидек ҳаракатланиб, мўлжални аниқ оларди. Керч учун бўлган олишувда бу яққол сезилди. «Қора мерган» биринчилардан бўлиб хандаққа отилди ва душманнинг 18 нафар жангчисини йўқ қилиб, 7 нафарини асирга олди, у бу ишни ёлғиз бажаради. 20 май куни Жуман «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

Шу йилнинг октябрь ойида Карпат-Дюклинлар операцияси пайтида, дивизия Карпатни енги ва Словакияда ҳужумни давом эттирди. 17 октябрь куни Звала остонаси яқинида 762 м баландликдаги мустаҳкам

тепалик учун жанг бошланди. Шу куни Қизил армия аскари Қарақулов дивизия командири Романовск билан бирга бўлинмадан олдин хандаққа йўл олди ва уч соат давомида вазиятни қўлга олиб, душман жангчиларини ушлаб турди. Пулемётчилар ҳужумга ўтди ва вазифа аъло даражада бажарилди. Иккинчи ҳужумда улар душман мудофаа чизиқларини кесиб ўтди. Бу сафар ҳам Жуман масъулиятни бўйнига олиб, хандаққа биринчилардан бўлиб отилди. Уни ўқчилар пана қилиб туришди. Олишув бир неча соат давом этди. Душман мудофааси тор-мор этилди.

Жуманнинг жасур гуруҳи фақат олға юриш қиларди. Улар йўлда фашистларнинг зулмига учраган 10 та қишлоқни озод қилиб, 7 та тепаликни эгаллади. Жангнинг учинчи кунида вазият кескин ўзгарди. Пистирмадан қилинган ҳужумда дивизия катта талафот кўрди. «Қора мерган» доимгидек жангга отланиб, яширинча фашист аскарларининг турагоҳига кириб олди. Аммо уни душман тарафнинг жангчиларидан бири сезиб қолди, аммо энди кеч эди... Жуман Қарақуловнинг қўлида ўндан ортиқ граната ва портловчи қурилмалар бўлиб, у мингга яқин фашист аскарлари жойлашган қўналғанинг кулини кўкка совурди. Ҳа, бу оғир жангда довюрак «Қора мерган» ҳам жон берди. Аммо унинг қаҳрамонлиги кейинги жанглардаги ғалаба учун пойдевор бўлди.

СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1945 йил 24 мартдаги қарори билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлиб, Звала тепалигига, Чимбой туманидаги кўча ва мактабларга номи берилди.

Ўз жонини ўйламай, Ватан озодлиги ва тинчлиги учун жон берган азаматнинг қаҳрамонлиги хотираларимизда мангу яшайди.

Айжамал ЖАНИБЕКОВА

ХОТИРА МУҚАДДАС

Юрт ва халқ фаровонлигини тараннум этган Тамарахоним

Ҳар бир инсон учун юрт тинчлиги улуғ неъматдир, бебаҳо саодатдир. Иккинчи жаҳон уруши йилларида жанггоҳларда нафақат юрт ўғлонлари фидойилик кўрсатиб жанг қилганлар, балки улар билан елкама-елка аёллар ҳам турли соҳаларда фаолият кўрсатганлар. Шундай фидокор ўзбек аёлларидан бири халқ артисти, балетмейстер, ўзбек профессионал рақси асосчиси Тамарахонимдир.

Тамара Петросян 1906 йил 16 мартда Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида таваллуд топган. 1932 йили Москва театр техникумини тамомлайди. Илк ижодий фаолиятини Марғилон, Фарғона аёллар жамоаларида қўшиқчилик билан бошлайди. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комиловдан ўзбек рақс сирларини, шунингдек Ҳамза, Константин Станиславский, Владимир Данченко ва бошқалардан қўшиқчилик, актёрлик маҳоратидан таълим олади. У Юсуфжон қизиқ Шакаржонов труппасида, кейинчалик Тошкент опера ва балет театрида, Муҳиддин Қориёқубов раҳбарлигидаги концерт труппасида, Ўзбекистон давлат концерт этнографик ансамбли ҳамда Ўзбек давлат мусиқали театрида фаолиятни олиб боради. Тамарахоним миллий эстрада санъати ривожига асос солади.

1925 – 1929 йилларда Андижон, Қўқон, Самарқанд театрларида, 1929 – 1934 йилларда Самарқанддаги Ўзбек давлат мусиқали театрида (1931 йилдан Тошкент шаҳрига кўчирилди), 1934-1935 йилларда эса Хоразм театрида санъатини намойиш этиб келган.

Тамарахоним қайси халқнинг қўшиғи ёки рақсини ижро этмоқчи бўлса, аввало ўша элнинг тарихи, этнографияси, маҳаллий урф-одатлари, санъати ва маданиятини батафсил ўрганиб, сўнг ишга киришарди. 1941 – 1945 йиллари Иккинчи жаҳон уруши даврида концерт бригадалари билан ҳарбий қисмларга ташриф буюриб, «Эрта билан тураман» (қўқонча), «Яллама ёрим» (марғилонча), «Омонёр» (андижонча), «Мавриги» (бухороча), «Лазги» (хоразмча), «Бибижон» (туркманча), «Янги ой» (мўғулча), «Никоҳ тўйи» (грузинча), «Эшикни қоқма» (озарбайжонча), «Гулизор» (туркча), «Бинти Шалобия» (арабча) ва «Торази» (корейсча) қўшиқларини ижро этади.

Шунингдек, япон, афғон, ҳинд, қирғиз, тожик халқлари, жами 500 дан ортиқ куй-қўшиқ ва рақсларини 86 тилда ижро этиб, ҳарбийларнинг мардонавор курашларида руҳий далда бўлади. 1943 йили Тамарахонимга Қуролли Кучлар сафида кўрсатган хизматлари учун капитан унвони берилади.

Урушдан сўнг ўзбек миллий санъатини дунёга танитиш мақсадида Европа ва турли давлатларда ўтказилган кўплаб халқаро мусиқа ва рақс танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритади. Кейинчалик Ўзбек давлат филармониясида мусиқа ансамблида бадиий раҳбар, балейтмейстер ҳамда актрисалик қилади.

1947 йилда Тамарахоним Республика балет мактаби ташкил этилишида ўз ҳиссасини қўшган ва ушбу даргоҳ унинг номи билан номланган.

Тамара Петросян 1991 йил 30 июнда 85 ёшида Тошкент шаҳрида ҳаётдан кўз юмди. Тошкентдаги ўзи истиқомат қилган кўчага «Тамарахоним» номи берилиб, «Тамарахоним уй-музейи» фаолият кўрсатмоқда. 2001 йили давлатимиз томонидан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Нозима МАМАТОВА

ЧЕЛАК ҚИШЛОҒИДА ЎСГАН ҚАҲРАМОН

Пайариқ туманининг Челак қишлоғида жойлашган 1-умумтаълим мактабида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Спабек Тўйтомонов ҳаёти, фаолиятига, уруш даврига оид буюмлар, фотосуратлар, альбом ва бошқа ашёлар мавжуд. Улар ўқувчиларнинг тарбиясида алоҳида ўринга эга.

Спабек Тўйтомонов 1943 йилнинг кеч кузида 2-Белоруссия фронтининг 69-дивизияси аскарлари сафида жангга киради. Буг дарёси бўйлаб Барановичгача ёйилган Белоруссия ерларини немис-фашист газандаларидан озод қилиш барчанинг диққат-эътиборида турарди. Аччиқ совуқ юз-баданни чимчилар, бирпас исиниб олишнинг имкони йўқ эди. Ҳатто, бир неча суткалаб уйқусизлик ҳам жангчиларимиз иродасини буколмасди.

Кейинги икки-уч кун жангчиларимизнинг кетма-кет ҳужуми душманнинг тинкасини қуритди. Кутилмаганда «тигр»ларнинг ҳужумига тайёрлана бошлаганлиги маълум бўлди. Ана шу пайтда оддий аскар Спабек Тўйтомонов командирдан жанговар топшириқ олди. У 2-Белоруссия фронти жойлашган нуқтанинг жануб томонидан уч чақирим чамаси олдинга бориши, душман танклари келиши мумкин бўлган йўл бор-йўқлигини аниқлаб қайтиши керак эди. Спабек граната, ёнилғи солинган шиша ҳамда автомат олиб, йўлга тушди. У тайинланган пунктга етар-етмас отишма бошланиб кетди. Олдинга силжишнинг ҳеч имкони йўқ. Спабек эс-ҳушини йиғиб олди-да ётган жойида окоп қазишга киришди. Пулемётларнинг тариллаши ғашига тегарди.

Тонг ёришиши билан тизма тепаликлар орқасидаги отишма бироз тингандай бўлди. Лекин шу орада тепалик ортида баҳайбат танк пайдо бўлди. У тўппа-тўғри Спабек ётган окоп томон келарди. Окопдан чиқишнинг имкони йўқ. У эс-ҳушини бир зумда йиғиб олди. Танк устида ўтирган гитлерчи уни пайқади шекилли, ҳовлиқиб бир-икки ўқ узди. Танк эса ўрмалаб келиб, окоп устидан ўтиб кетди. Гитлерчилар окопдаги аскар мажақланди, деб бамайлихотир эдилар. Лекин шу тобда устма-уст портлаш юз берди. Танк аланга ичида қолди.

Спабек вақтни бой бермасдан яқин орадаги бутазорга етиб олишга шошилди. Душман пулемётининг тариллашидан унинг қулоқлари битиб қолганди. Бутазордан чиққач, дарё лабига тушди-да ўзини сувга отди. Ниҳоят, жасур жангчи дарёнинг нариги қирғоғига ўтишга муваффақ бўлди.

Оддий жангчи бундан кейинги Польша остоналарида бўлган жангларда ҳам фаол иштирок этиб, матонат кўрсатди. Айниқса, Гданскни озод қилиш осон бўлмади, талафот бироз кўп бўлди. Қор тиззадан ошади. Аччиқ совуқ ва изғирин жангчиларга кор қилмайди. Ана шундай оғир бир шароитда немис-фашист газандалари шаҳарчадан ўн олти чақирим чамаси узоққа чекинишга мажбур қилинди. Роппа-роса бир ҳафта чўзилган бу жангда душман кўплаб техника йўқотди ва қурбонлар берди. Ана шу жангда Спабекнинг қўл ва оёқларига осколка тегиб, оғир жароҳатланди. У госпиталда даволангач, яна урушнинг сўнгги кунларигача мардонавор жанг қилди.

Ҳукуматимиз Спабек бобо Тўйтомоновнинг урушдаги кўрсатган жасоратларини ҳисобга олиб, I даражали «Ватан уруши» ордени ҳамда «Жасурлиги учун» медали билан тақдирлади. Олий Бош Қўмондоннинг бир неча раҳматномасини олди.

Мард ва жасур жангчи, Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси Спабек бобо ўттиз беш йилдан зиёд давомида тумандаги 1 - умумтаълим мактабида ўқитувчилик қилди. Ойбарчин ая билан тўққиз нафар ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказишди. Меҳнатсевар ва жамиятимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбияладилар. Уларнинг ўттиз нафар невара ва ўн беш нафар чевараси бор.

Абдулла САИДОВ

РАҒБАТ

ЁШЛАРГА ТАВСИЯНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида фидокорона меҳнат қилган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига квота асосида республика олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар топширилди.

Муаллиф суратга олган

Тадбирда билим юрти бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Н. Пармонов, Қуролли Кучлар фахрийлари мамлакатимизда миллий армиямиз қудратини янада такомиллаштириш билан бир қаторда, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, мудофаа вазирининг тегишли буйруғига кўра, тавсияномани ўз эгаларига тантанали тарзда топширди.

Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ушбу тавсиянома эгаларига муайян йўналишлар бўйича бакалаврлар (иккинчи ва кейинги олий маълумот бундан мустасно) тайёрлашда республика олий таълим муассасаларига ўқишга киришда ажратилган беш фоизли қабул квотаси доирасида танловда иштирок этиш имтиёзи берилади.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 40 нафар ҳарбий хизматчиси фарзандлари ана шундай имкониятга эга бўлди. Уларнинг орасида ака-ука Содиқжон ва Наврўз Ҳайитхўжаевлар ҳам бор.

– Бугун биз учун қувонарли кун, – дейди подполковник Муҳаммаджон Ҳайитхўжаевнинг рафиқаси Гулчеҳра Ҳайитхўжаева. – Бирйўла икки фарзандимга имтиёзли тавсиянома берилганидан она сифатида ғурурга тўлиб, хурсанд бўлдим. Ўғлонларимнинг халқимиз билдирган ишончни оқлаб, юзимизни ёруғ қилишига ишонаман. Турмуш ўртоғимнинг ҳарбий эканидан фахрланаман.

– Давлатимизнинг Ватан ҳимоячилари оила аъзоларига эътибори ифодаси ўлароқ, олий ўқув юртига ўқишга киришда имтиёз берувчи тавсияномаларни қабул қилиб олдик, – дейди подполковник Мурод Ҳамроқуловнинг ўғли Умиджон Абдусаломов. – Ҳозирги синовли кунларга қарамай, ҳарбий хизматчиларнинг машаққатли меҳнати рағбатлантирилиб, шундай тавсияномага лойиқ кўришганидан миннатдорман. Мен ҳам келгусида дадамга ўхшаб, юртимиз тинчлиги, унинг юксалишига ўз ҳиссамни қўшаман.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

ТАНЛОВ

Болалар ўртасида онлайн мусобақа ўтказилди

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Нукус ва Урганч гарнизонида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ўртасида масофали тарзда бир қатор танловлар ўтказилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ташкил этилган танлов 4 та номинацияда бўлиб ўтди.

Унда «Энг яхши шеър ижрочиси», «Энг яхши спортчи», «Энг яхши мусиқа, қўшиқ ижрочиси», «Энг яхши рассом» каби йўналишлар бўйича 70 га яқин иштирокчи қатнашди.

Юртимизда жорий йилнинг март ойидан коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда ватандошларимиз саломатлигини сақлаш мақсадида ўрнатилган карантин чоралари сабаб, мазкур танловда қатнашиш учун иштирокчилар масофадан туриб, интернет тармоғи орқали ишланмаларини юбордилар.

Келиб тушган намуналар танлов ташкилий қўмитаси томонидан дастлабки саралашдан ўтказилганидан кейин мусобақанинг очиқлигини таъминлаш учун танлаб олинган 17 та иштирокчининг видеолавҳалари Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг «Telegram» мессенжеридаги расмий саҳифаси орқали овоз бериш йўли билан баҳоланди. Ҳисобларга якун ясашда танлов ҳакамлар ҳайъатининг хулосаси инобатга олинди.

«Энг яхши шеър ижрочиси» номинациясида Кумушой Норматова, «Энг яхши спортчи» номинациясида Жаҳонгир Қосимов, «Энг яхши мусиқа, қўшиқ ижрочиси» номинациясида Умиджон Равшанов ва Бенарис Султанмуратов ҳамда «Энг яхши рассом» номинациясида Моҳирахон Обиджонова ғолиб деб эътироф этилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши вакиллари ғолиб ва совриндорларнинг уйларига бориб, карантин қоидаларига амал қилган ҳолда фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирлашди.

Майор Тимур НАРЗИЕВ,
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати бошлиғи

СУҲБАТ

КЎЧА МУЮЛИШИДАГИ ХОТИРЖАМЛИК

Олам аҳли «узлат»га чекинди. Бундай паллаларда инсониятнинг дилкаш дўсти яна китоб, яна адабиёт бўлиб қолди. Адабиётнинг меъморлари эса адиблардир. Таниқли ёзувчи Шойим Бўтаев ҳам ана шу хилват заҳматпешаларидан бири. «Сирли юлдузлар», «Дунёнинг сарҳисоби бор», «Энди бари бошқача», «Шамол ўйини», «Кунботардаги боғ», «Ҳаёт», «Кўчада қолган овоз», «Қўрғонланган ой», «Шох», «Шўродан қолган одамлар», «Юлдузларга элтар йўл» сингари бир қатор китоблар, айниқса, «Еттинчи тонг» каби ҳажман ва мазмунан йирик, кўламдор романлар муаллифи билан суҳбат қурдик.

– Шойим ака, суҳбатимизни армиядаги ҳаётингизни эслаш билан бошласак. Армия – ҳаёт мактаби, дейишади. Ўзингизни бу мактаб ўқувчиларининг қайси тоифасига мансуб, деб ўйлайсиз: аълочими ёки иккичи?

– Ҳали мен ҳаётда ўзига ҳақиқий баҳо берган ёки бировнинг ўзи ҳақидаги маънавий ташхисига рози бўлган бандани кўрганим йўқ. Ёшликдаги иккичилик фожиавий тус олмагунча ёки аълочилик ўзининг сифат белгисини намоён этмагунча, ҳали шунчаки субъектив муносабат бўлиб қолаверади. Мактабдан қувилганлар, институтда ўқишни эплолмай ташлаб кетганлар орасидан кўплаб даҳолар етишиб чиққани каби «аъло»си билан қотиб қолганлар бўлиши мумкинлигини ҳаёт исботлайди. Бир куни касб танлаш борасида ўқитувчимиз сўров ўтказганида, аълочи бир синфдошимиз фахр билан, раислик касбини танлайман, деганди. У аъло ўқиш оқибатидаги фазилатни шундай тасаввур этган.

Аскарлик давримда, айниқса, ўша пайтлардаги темир тартиб-интизом менга ёқмасди. Вақт бу матнни, тўғрироғи, бу матн муаллифи – яъни ўзимни таҳрир этди. Ундан кераксиз сўзлар олиб ташланди: ёзувчи бўлиш учун мунтазам ва қатъий тартиб-интизом зарур. Сиз мақтаётган спортчидан кўра ёзувчи кўпроқ тер тўкишга мажбур, хилватда кечаётгани учун кўпчилик бу заҳматни тасаввур этолмайди, қолганлар эса унга тус беришади. Омма (оломон дейишдан андиша қиламан) кўз ўнгида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўчлиги сир эмас. Рим легионларида пайдо бўлиб, уларнинг жанговар пона усулида қўл келган «Соғ танда – соғ ақл» шиори мангулиги илдизлари ҳам шунга бориб тақалади. Бошга тушса, автоматдан отиш жўн нарса. Бу фазилат эмас. Одам ўлдириш қийин. Бу жиноят. Шунинг учун аскарликни фақат порох ҳидлашу уч марта овқатга бориш, югуришу турникка осилиш, деб тушунманг.

– Уруш мавзусидаги асарларингизни ўқиганмиз. «Юлдузларга элтар йўл», «Отам нега жим?», «Мактаб қоровули» сингари қисса ва ҳикояларингиз давримиз китобхонларига яхши таниш. Урушга қандай таъриф берган бўлар эдингиз?

– Ҳар қандай урушда оддий халқ азият чекади. Эрнест Хемингуэй «Уруш оловини ёқиб фойда кўрувчилар халқларнинг мухтор вакиллари томонидан отиб ташланиши керак», дейди. Аммо ўша мухтор вакиллар кимлар? Наполеон айтганидек, инқилобни хаёлпарастлар ўйлаб топади, фанатлар амалга оширади, муттаҳамлар гаштини суради. Тўғри, реакцион деб аталади, аммо фалсафада Мальтус назарияси, деган қараш бор. Мальтус ўзи художўй кимса, руҳоний бўлган. Аслида, у бандаларнинг ҳимоячиси бўлиши керак эди. Аммо у, урушлар керак, дейди. У «Олтин миллиард» деган ғояси ҳақлигини исботлаш учун бошқа мақбулроқ йўлни хаёлига келтира олмаган. Гитлернинг ҳам бу борада ўзига хос қараши бўлган. Ҳозир бу борада кимнинг калласида нима борлигини билиб бўлмайди. Фикр инсонни ҳаракатга келтиради. Ёвуз фикр, эзгу фикр. Шунинг учун қалбнинг энг тубида йилт этган фикр жамиятда акс этмай қолмайди. Баҳроми Гур ов пайти кимсасиз чўлда адашиб қолиб, атрофи девор билан ўраб олинган мўъжазгина боғ устидан чиқади. Эшикни тақиллатганида чиқиб келган қариядан сув сўрайди. Қария ортга қайтиб, кўп ўтмай бир коса анор суви олиб чиқади ва аввалдан тайёрлаб қўйганмикан, деб ўйлаган шоҳга буни бир дона анордан сиқиб олганини айтади. Шу чоғ навкарлари етиб келади ва чанқови қонган подшоҳ қарияга раҳмат айтиб, ўз йўлида кетади. Бир куни у ўша биёбондаги боғни қандай ўзиники қилиб олишни хаёлидан кечиради. Бошқа сафар ов қилиб юрганида яна ўша боққа бориб, анор сувини сўрайди. Қария анча ҳаяллаб косанинг тубида анор суви олиб чиқиб, бироз хижолатпазлик билан, мамлакат шоҳининг нияти бузилдимикин, боғимдан барака кетди, бир нечта анорни сиқсам-да, шундан ортиқ ололмадим, дейди.

Иккинчи жаҳон уруши ҳақида гап кетганда, қанча одам ўлди-ю қанчаси қолди каби статистика тилга олинади. Уруш вақтида чоп этилган газеталарни кузатсангиз, ўзбек халқининг фронтда жанг қилаётган фарзандларига йўллаган мактубидан тортиб шеъру достонларгача ўтмишдаги паҳлавон аждодлардан ибрат олиб, душманни янчиш кераклиги уқтирилади. Муқанна босқинчи арабларнинг, Жалолиддин Мангуберди босқинчи мўғулларнинг додини қандай бергани ҳақида бир босқинчи унинг авлодларига иккинчи босқинчини кўрсатиб, буниям шунақа қил, дейди. Онг манипуляцияси. Маънавий жароҳатлар. Жисман ўлганларни тупроқ бағрига олса, бузуқ қон авлодлар томирида айнийди. Гитлер замонавий қуроллар ишлаб чиқариш билан бир қаторда инсониятни қулликка солишнинг кўринмас йўлларини ҳам излаган. Босиб олинган халқларни мусиқа билан банд қилишни, шу тариқа фикрлашдан мосуво қуллар тўдаларини етиштиришни орзу қилган. Қийшиқ пойдевор. Саъдий айтганидек, унинг устига қурилган бино фалакка етса ҳам қийшиқлигича қолаверади. Ундан олдин Чингизхон ҳам шундай ўйлаган. Қадимги Хитойда ҳам буни яхши билишган. Шундай экан, халқлар уруш ҳолатидан чиқди, деб айтиш қийин.

– Адабиётда турли йўналишлар кўп. Ўзингизни қайси «изм»га мансубман, деб ўйлайсиз?

– Бу ҳақда ўйлашга ҳафсала қилмаган эканман.

– Тенгдошларингизнинг ижодини кузатиб борасизми? Улар ҳақида нималар дея оласиз?

– Албатта. Кўп нарса ёки ҳеч нима.

– Бугун адабиёт нима ҳақида ёзиши керак, сизнингча? Ўзингиз атрофимизда, бутун дунёда рўй бериб турган воқеа-ҳодисаларни қандай баҳолайсиз? Адиб сифатида сизни безовта қилиб турган бош мавзу нима?

– Инсон ҳақида... «Инсон деб фалакка ҳайқирмоқ нечун, Инсон ёнингда-ку, у – менинг қўшним» (Абдулла Орипов). Атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга келсак, улар баҳоланмайди. Чунки воқеа-ҳодисалар кечади. Бир ёзувчи ўлароқ мени безовта қиладиган бош мавзу бу Инсондир. Хорхе Луис Борхес эса: «Кимки бутун – жами коинотни кўролган бўлса, кимки борлиқнинг оташин ниятларини англаб етган бўлса, инсон ҳақида, унинг ғариб қувонч ва қайғулари ҳақида ўйлаб ўтирмайди», дейди...

– Бугунги армия тўғрисида қандай фикрдасиз? Мудофаа тизими тўғрисида ёзиш ниятингиз борми?

– Албатта, бизда кучли армия мавжуд. Бу, душман қани, деб теварак-атрофга аланглашни англатмайди. Қоронғида кўча муюлишидан ўтаётганингизда пулингизни тортиб олиб, маишат қилмоқчи бўлган авбошлар белингизда ханжар осилганини кўриб, ютиниб кўя қолишади. Мудофаа тизимимиз тўғрисида ёзиш ниятим йўқ эмас. Вақт кўрсатади.

– Ижодингизга омад тилаймиз.

Шоҳсанам НИШОНОВА суҳбатлашди.

ҲАРБИЙ ШАҲАРЧАЛАРДА

ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Халқимизда ҳаёт давом этади, тўхтаб қолмайди, деган чиройли ибора бор. Дунёни эгаллаб, ёвуз нафаси ила инсонларни уйда қолишга мажбур қилган коронавирус пандемияси ҳам инсонлардаги умид, ишонч, яратувчанлик туйғуларини сўндира олгани йўқ. Аҳли башар борки, кўринмас ёв билан курашмоқда.

Айни дамда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан олиб борилаётган ишларнинг усул ва услублари ҳам вазият тақозоси ила ўзгарган. Яъни маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни ахборот технологиялари воситаларидан кенг фойдаланилган ҳолда онлайн тарзда бошқариш замон талабига айланди. Уйда қолинг! Бу шиор кеча-ю кундуз оммавий ахборот воситалари орқали халқни ҳушёрликка чорлайди. Албатта, уйда қолишнинг ўзи бўлмайди. Дам олиш, ойнаи жаҳонга термилишнинг ҳам меъёри бор. Инсон бирор фойдали машғулот билан шуғулланмас экан, уй зерикарли ошёнга айланиши бор гап.

Шу сабаб, карантин даврида ҳарбий оила бекаларини уй шароитида янги касбга йўналтириш, касаначилик, ҳунармандчилик, ва тадбиркорликдан сабоқ бериш, қизиқтириш, оила бюджетига фойда келтирадиган машғулот билан банд бўлишларига замин яратиш, бир сўз билан айтганда, бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун имконият яратиш давр талабига айланди.

– Қашқадарё вилояти ҳунармандлар ва тадбиркорлар билан машҳур, – дейди Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ етакчи мутахассиси Тамара Маманова. – Вилоят Тадбиркор аёллар уюшмаси раиси Ойниса Очилова билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб

келамиз. Ҳамкорлик давомида ҳарбий шаҳарчаларда аёлларимиз учун чеварчилик, каштачилик, зардўзлик каби йўналишларда уч ойлик сайёр ўқув курслари ва семинар-тренинглар амалга оширилди. Шу анъанага содиқ ҳолда карантин даврида ҳам Ойниса опа билан ҳамкорликни онлайн тарзда давом эттириб, маҳорат дарслари ўтказилди. Ушбу машғулотлар тасвирга олиниб, видеороликларга айлантирилди ва ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртоқлари учун услубий ёрдам сифатида тарқатилди. Бу видеороликларда гилам тўқиш санъати, чеварчилик асослари, миллий каштачилик сирларидан оммабоп дарслар ташкил этилди. Дарслар жараёнида миллий қадриятимизга айланган ушбу ҳунармандчиликнинг воҳамизда ривожланиш тарихи ҳақида ҳам бекаларимизга алоҳида маълумотлар берилди. Келинларимиз уй шароитида халқимизнинг ўлмас санъати билан яқиндан танишар экан, қўл меҳнати орқали момоларимиздан мерос гўзал қадриятларимизни тиклаш ва давом эттиришда ўз ҳиссаларини қўшиш имконига эга бўлдилар.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

МАЪНАВИЯТ

Тарбия ўчоғи

Энг муҳим ва биринчи тарбия оиладан бошланиши барчамизга яхши аён. Унинг таъсири инсон табиатига мустаҳкам ўрнашади. «Эр-хотинликнинг энг буюк мақсади – фарзанд. Аёлнинг энг муҳим вазифаси – бу фарзанд тарбияси», деган ибора бор. Демак, она – фарзанд тарбиясида асосий ўринни эгалайди. Лекин ҳаммага аён бир ҳақиқат ҳам бор: аввало, тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, оила ёш авлодни ҳар томонлама етук ҳамда баркамол қилиб тарбиялашнинг асосий бўғинидир. Шу сабабли аждодларимиз оилавий муҳитнинг соғлом ва барқарор бўлишига, фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратганлар. Буюк мутафаккирларимиз шахс тарбияси ва камолотида оилавий тарбиянинг ўрнини эътироф этиб, ўз асарларида баён этганлар.

Мутахассисларнинг фикрича, бола дунёқарашининг шаклланиши асосан унинг 4-5 ёшгача бўлган даврида юз беради. Ўтмишда бобо-бувиларимиз 5 ёшгача бўлган болаларни «подшо» санаб, уларга алоҳида эътибор ва эъзоз билан муомалада бўлишган. Таниқли рус педагоги А. Макаренко оилавий тарбия хусусида қуйидагича фикр билдирган: «Тарбиянинг асосий негизи 5 ёшгача бўлган даврда қурилади, демак, сиз 5 ёшгача нима қилган бўлсангиз, бу тарбиявий жараённинг 90 фоизини ташкил этади».

Психологларнинг хулосасига кўра, ҳеч қандай нарса болаларга намуна кучидек таъсир кўрсата олмайди. Яъни аниқроқ айтганда, катта ёшдаги кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ва бошқа фаолиятлари йиғиндиси шахсий намуна сифатида болаларнинг онги ва ҳулқига кучли таъсир кўрсатади. Айниқса, кичик ёшдаги болалар эшитган нарсаларидан кўра, кўрган нарсаларига кўпроқ эътибор қаратади ва уларга тақлид қилади. Халқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади», деган мақоли замирида ана шу ҳаётий ҳақиқат ўз аксини топган.

Халқимиз азалдан болажон ҳисобланади. Ҳар бир ота-она фарзанди учун жонини фидо қилишга тайёр бўлади. Буни буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Одатда ота-оналар фарзандларининг ҳар қанча эркаликларини кўтарадилар, доим беминнат ёрдам қўлини чўзади. Лекин айримлар боланинг барча инжиқликларига «лаббай» деб жавоб беришни, унинг моддий таъминотини биринчи ўринга қўяди. Ҳолбуки, бундан муҳимроқ, аҳамиятлироқ вазифа бор. Бу – фарзанднинг маънавий-ахлоқий тарбияси.

Баъзи ота-оналар эртадан кечгача ишда бўлади. Фарзанд тарбиясига вақт ажратмайди. Натижада, бола тарбияни телефон, интернет, телевизор ва кўча-кўйдан олмоқда. Шу тарзда улғайган боладан нимани кутиш мумкин?

Ўзимизга савол бериб кўрайлик, фарзандимиз бўш вақтида нима билан шуғулланмоқда? Телевизор, компьютерда нималарни томоша қиляпти, телефондан яна қандай мақсадларда фойдаланмоқда, интернетдан қандай маълумотларни ўқиб, қандай лавҳаларни кўрмоқда? Кўчада кимлар билан дўст, улар билан вақтини қандай ўтказяпти? Шу ишларда фарзандни назоратсиз қолдириш мумкинми? Албатта, йўқ! Ота-оналар жуда эътиборли бўлишлари лозим. Бир кун келиб афсус чекиб қолмаслик учун фарзанд тарбиясига жиддий киришиш, назоратни кучайтириш керак.

Аслида фарзанд тарбияни, яхши хулқни қаердан олади? Албатта, оиладан, ота-онадан олади. Улар фарзандга ёшлигидан яхши тарбия бериши, унга зарур билимларни ўргатиши, жамиятда ўз ўрнини топишида, илм-маърифатли бўлишида муносиб ҳиссасини қўшиши керак.

Мутахассислар кейинги даврда ёшлар руҳиятида худбинлик, мақсадига иложи борича осонроқ йўл билан етишишга интилиш, аввало, масъулият ва бурчни эмас, балки кўпроқ ҳуқуқни талаб қилиш хусусиятлари ортиб бораётганини таъкидлашмоқда. Бундай ҳолатларнинг асосий сабабини оилавий тарбиянинг суслиги, ота-оналарнинг доимо банд бўлиб, фарзандларини тарбиясига етарлича аҳамият бермаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Оила нафақат тарбия ўчоғи, балки болаларда ўзликни англаш, миллий ғурур туйғуларини шакллантирувчи асосий омиллардан биридир. Бинобарин, ота-оналарнинг болалар тарбияси борасидаги масъулиятини кучайтириш, оилавий ва ижтимоий тарбия уйғунлигини таъминлаш маънавий баркамол авлодни етиштиришда муҳим ўрин тутади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, муқаддас динимиз ва дунёвий илм-фанда бола тарбияси билан боғлиқ жуда катта тажриба тўпланган. Айниқса, ёш ота-оналар бундан бохабар бўлишлари зарур. Беҳуда харажатлар ўрнига ҳар бир оила эру хотин муносабатлари ҳақида бола тарбияси билан боғлиқ илмий-оммабоп нашрларни сотиб олса, ўқиса ва унга амал қилса, нур устига нур бўлар эди.

Подполковник
Бунёдбек ШЕРМАТОВ,
Қуролли Кучлар академияси
ўқитувчиси

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК

БИР ҲОВУЧ ДУР

Ҳалол ва ҳаром

Бир аъробий қозига деди:
– Ҳурмо есам, мени дарралайсизми?
– Йўқ, – деди қози.
– Сув ичсам-чи, дарралайсизми?
– Йўқ.
– Шароб ҳам шу иккисидан тайёрланади-ку! Қанақасига у ҳаром бўлиб қолади ва нима учун уни ичганлар дарраланиши керак?!
Қози деди:
– Тупроқ билан бошингга урсам оғрийдими?
– Йўқ, – деди аъробий.
– Бошингга бир челак сув қуйиб юборсам-чи, бошинг ёриладими?
– Йўқ.
– Энди сув билан тупроқни аралаштириб, ундан ғишт ясаб, ғишт билан бошингга урсам, нима бўлади?
– Бошим ёрилади.
– Ҳа, яша! Шароб ҳам шундай.



НОН ЎҒРИСИ

Бир қари чол битта нон ўғирлагани учун маҳкамага олиб келинди.

Чол айбига иқрор бўлди. Ўғрилик қилганини инкор этишга ҳаракат ҳам қилмади. Лекин айтдики: «Очлиқдан ўлай дедим. Шунинг учун...»

Шунда қози:

– Ўғрилик қилганингни тан олдинг. Энди мен сенга 10 доллар жарима соламан. Яна шуни биламанки, сенда 10 доллар тугул, 1 доллар ҳам йўқ. Чунки ўғриликни йўқчиликдан қилгансан. Ўша 10 долларни мен тўлайман, деди.

Йиғилганлар қозининг жаримани тўлаганига гувоҳ бўлишди.

Қози йиғилганларга қараб:

– Сизлар ҳам 10 доллардан ташлашга маҳкумсиз! Чунки сизлар фақирлар нон ўғирлашга мажбур бўлаётган шаҳарда яшамоқдасизлар!!!

Мажлисда 480 доллар йиғилди. Қози йиғилган пулларни олиб, чолга берди.

Имом Шаъровий раҳматуллоҳи алайҳ: «Агар сен мусулмонлар юртида бирор камбағални кўрсанг, албатта ўша ерда унинг молини ўғирлаган бой борлигини билгин», деган.

БУЮК ҲАҚИҚАТ

Италияда касалхонадан тузалиб чиққан 93 ёшли одамдан индустриал сунъий нафас бериш жиҳозининг бадалини талаб қилишганида йиғлай бошлабди.

Доктор ҳисоб варағи туфайли йиғламаслигини тавсия этди. Кекса киши:

– Тўлашим лозим бўлган пул туфайли йиғламаяпман, бу тўловларнинг ҳаммасини тўлашга имконим бор. Менга алам қилаётгани – 93 йилдан буён Тангрининг ҳавосидан нафас олмоқдаман ва бунинг бадали (ҳақи)ни ҳеч тўламадим. Ваҳоланки, биргина нафас берувчи жиҳоз учун бугун ҳар кунига 500 евро тўлаб турибман. Тангридан қанчалар қарздорман, биласизми?!

Бир пой кавуш

Бир куни Маҳатма Ганди юришни бошлаган поездга етиб олиш учун югурди. Бир амаллаб поездга чиқиб олгач, тўсатдан унинг бир пой кавуши оёғидан тушиб кетди. Шу пайт Ганди кавушнинг иккинчи пойини ҳам тезлик билан ечиб, ўйлаб ўтирмасдан нариги пой кавуши тушган жойга қарата отиб юборди. Унинг бу ишидан ҳайронсираган дўстлари: «Нима учун бундай қилдингиз?» деб сўрашди. Ганди жавоб бериб, деди: «Кавушни топиб олган фақир киши, унинг ҳар иккала пойини топишини ва улардан фойдаланишини хоҳладим. Чунки бир пой кавуш унга ҳам менга ҳам, фойда бермайди.

«Ривоятлар бўстони» китобидан олинди.

«МОЗИЙГА ҚАЙТИБ...» ТУРКУМИДАН

ОЛИМПИАДА

(ҳикоя)

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Биринчи куни қизалоқлардек ясан-тусан қилиб олган, малласоч, юзи кулчадеккина, майин табассуми ўзига ярашиб, нозик қоматида алоҳида назокат барқ уриб турган, ўттиз ёшлардаги муҳандис аёл иш вақтида хавфсизлик техникасига амал қилиш ҳақида суҳбат ўтказди. У қурилишда сонсиз-саноқсиз одам, техника ишлаётгани, ҳар қадамда хавф-хатар борлигини таъкидлади. Иш пайтида қанча одам энг баланд қаватлардан йиқилиб, тил тортмай ўлаётгани, нечтаси бошига ғишт ёки бетон бўлаклари тушиб, нариги дунёга равона бўлаётгани, яна қанчаси ертўлалардаги овлоқ, қоронғи ва кимсасиз ерларда дўппосланиб, чалажон ҳолда ташлаб кетилаётгани тўғрисида куйиниб гапирди.

– Зинҳор-базинҳор ёлғиз юрманглар, доим темир қалпоқ, қўлқоп билан ишланглар, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиб, ҳушёр ва огоҳ бўлинглар, – деб сўзини якунлади хоним.

– Соҳибжамол қизлар кўп экан, улар билан гаплашиш мумкинми ёки буям хавфлими? – деб сўради львовликларнинг етакчиларидан бири бўлган Марат аёлгинани яна гапиртириш умидида.

– Буни ўша қизлардан сўрайсиз, – деди хоним ёқимли табассум ҳадя қилиб.

Дастлабки бир ҳафта деярли бекорчиликда ўтди. Боши-адоғи кўринмайдиган бу издиҳомда ким нима билан шуғулланмоқда, кимга нима вазифа юклатилган – билиб бўлмасди. Львовдан келган аскарлар бир йилдан зиёд хизмат қилиб қўйишгани учун ўзларини кексалик мақомига эришган «қария»лар деб ҳисоблашар, ўзларига «львовлик бўрилар» деб ном қўйиб олишган эди.

Улар ҳар куни ишга келишда ва ҳарбий қисмга қайтишда автобусга ўтиришлари билан «Безори аскарлар қўшиғи»ни куйлашни бошлар эди. Бундай шовқин-суронда ҳеч нарсани эшитиб бўлмас, рота командири – Василий Степанов деган майор нима қилишни билмасдан жиғибийрон бўларди. Бир гал айлана чорраҳа бўйлаб ҳаракатланар экан, автобус недир сабаб билан тақатақ тўхтади-қолди.

«Бўрилар» автобусни худди дарёдаги омонат қайиқдек у ёқдан бу ёққа чайқата бошлашди. Ҳайдовчи уловнинг қуйруғига ўтиб, нимадандир тузатиш тараддудига тушди. Афтидан, бирпасдан кейин носозлик тузатилди. Ҳайдовчи эпчиллик билан жойига ўтирди ва автобус яна йўлга тушди.

Бу воқеани нишонлашга келишиб олгандек, «бўрилар» боз яна ашулани бошлаб юборишди.

Степанов қалтираганча бақирар эди:

– Жим бўлинглар, ярамас газандалар, жим бўлинглар дедим!

Лекин унинг чийиллаган ингичка овози автобусни зириллатаётган шовқинлар бўронида қалин ўрмон ичидаги бир қатим нур толасидек йўқ бўлиб кетарди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас майорнинг ўрнига тўладан келган, яғриндор, бақувват, ҳали ўттизга ҳам бормаган денгиз флоти капитани рота командири этиб тайинланди. Ўзи ҳам ёш, қизиққон бўлгани учун у ҳамма билан тезда тил топишиб кетди.

Палаткада бошланган ҳаётнинг учинчи куни эди, чамаси, Марат икки нафар хизматдоши – бири рус, бошқаси ўзбек билан Фозиллар турган хонага кириб келди.

– Ораларингда онакентликлар борми? – деди у ўзбекча сўзларни русчага аралаштириб.

– Бор, ўртоқ бошлиқ, – деди Лутфулла иккинчи қаватдан сакраб тушаркан, қоматини ғоз тутиб. – Онакентлик тўрт нафар марди майдон шунқор хизматингизга тайёр!

Маратнинг пешонаси олдинга бироз туртиб чиққан, юзининг у ер-бу ерида доғчалар бўлиб, олдинги тишлари очилиб, тиржайиб турар эди. Ҳар бир сўзини негадир шошилиб, оғзидан тупук сачратиб гапирарди.

Фозил, Меҳрож, Улаш ҳам дарҳол Лутфулланинг ёнида саф тортишди.

– Ҳамманг худди «қария»лардек яшайсан, уқдиларингми? Сизлар ҳам эшитдиларингми? – деди кейин бошқаларга қараб.

«Худди шундай!» деган овозга тўлди брезент билан қопланган бутун гумбаз.

Марат Лутфуллани ёнига тортиб деди:

– Бу ётоқ учун сен жавоб берасан, «қария» юртдошларингдан бўлак ҳаммани ишлатасан.

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ! – деди Лутфулла.

– Барчасини бурнини ерга ишқалаб ишлатаман, одам қиламан, гапга кирмайдиганини тепкилаб олдингизга олиб кираман! Яшасин, адолат тантанаси! Яшасин, онакентликлар елкасида қуёш балқиган кун! Яшасин, бизга Марат Абдулхановдек мард ва ботир акаларни берган Онакент замини!

– Бўпти, баракалла, омад сенга, ўзиям гапни қотирар экансан. Лекин тилингга эҳтиёт бўл! – деди Марат, сўнг шерикларини эргаштириб чиқиб кетди.

– Мана, энди мендан кўрадиганларингни кўрасан! – деди Лутфулла аввало кўрқувдан бурчакка тиқилиб ўтирган тўрт нафар «севастополлик»ка қараб. Уларнинг москвалик эмаслиги аллақачон аён бўлган эди. Лутфулла қўпол этигини қўнжидан тутиб, барзангининг бошига қараб улоқтирди. Кейин иккинчисини отди.

– Қани, тез бўл, дарров кийдириб қўй!

Барзанги иккинчи қаватдаги ўрнидан отилиб тушиб, Лутфулланинг пайтавасини эпчиллик билан ўраб, этикларини кийдирди.

– Поезддаги ваъдаларинг эсингдами? – деди Лутфулла унинг кўзларига ғазаб билан тикилиб, – ана энди менга малайлик қиласан!

Сўнг қатъият билан деди:

– Ҳамма ташқарига чиқиб, сафлансин! Кечикканга бирваракайига иккитадан наряд эълон қиламан, қани, имилламасдан тезроқ қимирланглар, галварслар! Диққат, «қария»лар қўзғалмасдан дам олсин!

Лутфулла қўлини орқасига кийиштириб, сафнинг олдида оҳиста қадам ташлаб, у ёқдан бу ёққа бориб келарди.

– Палаткалар олдидаги майдончани қордан тозалаш учун уч киши боради!

– Мана мен тайёрман! – деб барзанги олдинга отилиб чиқди.

– Тур жойингга! Кимни юборишни ўзим биламан!

Кейин сафнинг адоғидан уч кишини ажратиб, қор курашга юборди.

– Ошхонани тозалашга икки киши боради.

– Мана, мен-да! – деди барзанги яна олдинга отилиб.

– Сен жим тур, лаънати! – деб бақирди Лутфулла.

– Яна икки киши кечаси билан навбатма-навбат печкага ўтин қалаб чиқади.

– Мана мен борман! – деб яна барзанги олдинга отилиб чиқди.

– Сен мана бу ерда посбон бўлиб турасан! – деди Лутфулла унга бўсағани кўрсатиб. – Қачон чақирсам, лаббай деб чопиб келасан, тушундингми?

– Худди шундай, ўртоқ бошлиқ! – деб барзанги ўнг қўлини чаккасига тиради.

Шундан сўнг взводнинг қолган қисми «Идёт солдат по городу, По незнакомой улице» деб бошланадиган қўшиқни баланд овозда куйлаб, шахдам қадамлар ташлаб, кечки сайр талабларини адо этди.

– Лаънатилар, олти ойдан буён шу қўшиқни айттиришади, лекин бирон марта шаҳарга чиқаришгани йўқ, – деб ётган жойида норози бўлиб тўнғиллади Фозил.

– Жўра, Дилоромни соғиндим, яхшилаб хат ёзиб бермайсизми? – деб нариги каравотдан у томонга ўгирилди Улаш.

– Қуруқ хат ёзиш билан иш битмайди, жўра, қизгинани қизиқтирадиган биронта сабаб керак, – деди Фозил. Сўнг қўшиб қўйди: – Зўр бўларди агар Кремль соатлари ёнида туриб расмга тушсак. Буни кўрса, қизгина ҳам қойил қоларди. Шугина нарса жомадонларимизда турса яхши бўларди, бу ерда сақлашнинг иложи йўқ, деб баҳона қилардик. Ана қарабсизки, Дилоромингиз ҳеч бўлмаса Кремлни кўриш орзусида расмга бот-бот жоду кўзларини ташлайдиган бўларди. Айни ўша кезларда бу сеҳрли нигоҳлар Улашбой жанобларининг чеҳраи муборакларига ҳам қадалса, не ажаб! Нима дедингиз, жўра, зўр фикрми?

– Эй, нимасини айтасиз, зўр бўлгандаям нақд юракдан урадиган иш бўлади бу! Лекин нима қиламиз, Кремлга қандай борамиз?

– Бунинг йўли осон, Совет Иттифоқидаги энг катта этикни кийиб юрган анави ҳафтафаҳм оғайнимиз хўжайин бўлди, уни озгина мақтаб қўйсангиз, бас, шундан шишиб, маст бўлиб юраверади. Шанба ёки якшанба куни фурсат топиб, ҳаракат қилиб кўрамиз. Агар рухсат беришса, Лениннинг тепасида туриб расмга тушсак, зўр бўлардику-я, лекин мумкин эмас-да!

– Каллангизга қойилман! – деди Улаш ҳаяжондан баттар ичи қизиб. Кейин шоша-пиша сўради: – Ленин ҳам ўша ерда яшайдими? Қўл бериб кўришганимизни расмга олдирсак-чи, жўра?

– Мумкин эмас, дедим-ку!

– Нега?

– Ўлган одам билан қандай кўришасиз?

– Йўғ-ей, «Ленин ҳамиша барҳаёт», деб ўқитишарди-ку, алдашган экан-да, ярамаслар! Ана, байрам – Брежневнинг туғилган куни яқинлашиб келяпти, балки ўша куни бориб келармиз?

– Еттинчи ноябрни айтяпсизми, қанақасига Брежневнинг туғилган куни бўлсин, Октябрь революцияси байрами-ку, эй, ақлингизга қойилман! Сизга ким дарс берган ўзи тарихдан?

– Эй, жўра, қанақа дарс, умримиз далада, пахтада ўтган. Тарих бизда умуман дарс ҳисобланмас эди. Бир уруш ногирони номига келиб кетарди, уни ҳамма «эртакчи чол» деб орқасидан мазах қиларди. Чунки нуқул ўзининг бошидан ўтганларни қўшиб-чатиб гапирарди-да!

Эртаси куни ҳаво жуда совуқ бўлди. Ишдан қайтишлари билан барча ўзини ётоққа урди. Аксига олиб, уларнинг печкасидаги оловнинг чўғи анча пасайиб қолган экан, Фозил билан Улаш дарҳол бир қучоқ-бир қучоқдан ўтин олиб келиб, бочкага ташлашди. Баҳайбат оташтдон гуриллаб исий бошлади. Кечки овқатдан кейин эндигина ўринга чўзилиш тадоригини кўришаётган ҳам эдики, қўшни палаткадан бўйдор, мўйловли, тўладан келган, кўпчилик Аброр ака деб атайдиган йигит кириб келди.

– Қани, иккаланг мен билан юр! – деди Фозил ва Улашга қараб.

Шундоқ ёнларидаги бу палаткага биринчи киришлари эди. Ётоқнинг ўртасида Марат қўлини орқага қилиб турарди. Чамаси, нимадандир

ВАТАН АЗИЗ

Саман от, канизак ва ер ҳақида ривоят

Ҳикоя қилинаётган ушбу ривоят Ватаннинг тупроғи, ҳар қарич ери азиз ва мукаррам, уни ҳимоя қилиш ҳар бир инсон учун муқаддас бурч, ор-номус ва шараф эканлигидан сўзлайди.

Ривоят қилишларича, ўтган замонларда гуллаб-яшнаган бир мамлакат бўлган экан. Бу ўлкага ён атрофдаги барча давлатлар ҳавас қилишар, тож соҳиблари ўша мамлакат подшосидек одил ва довюрак, нуфузли бўлишни истаб, давлат ишларини у каби юритишга интилишар экан.

Бироқ ҳасад ҳавасдан устун келиб, бир қўшни подшоликнинг ҳукмдори жанг билан, тўғрироғи, зўравонлик – босқинчилик билан обод мамлакатни қарам, халқини қул, бойликларига эгалик қилишга қарор қилибди. Аммо дўстона муносабатда, тинчгина яшаётган бу юртга қилич яланғочлаб кириш учун баҳона кераклигини англаб етибди. Яъни ўзга давлатларнинг ғазабини қўзғатмаслик учун турли хил режалар қўллай бошлабди.

– Улуғ ҳукмдорим, қўшни мамлакатдан келган элчи ҳузурингизга кириш учун ижозат сўрамоқда, – дея хабар келтирибди сарой аъёнларидан бири.

– Ижозат! – дея рухсат берибди подшоҳ.

Подшоҳнинг изни ила элчи унга ўз ҳукмдорининг тилагини, тўғрироғи, манфур режага асосланган истагини етказибди:

– Шоҳимиз сизнинг таърифда тенгсиз саман отингизга ғоят ишқибоздирлар. Шу сабаб уни зоти мунавварга ҳадя этишингизни истамоқда...

Шоҳ амри билан аъёнлар машваратга йиғилибди. Улар қўшни мамлакат ҳукмдорининг талабини қоралаб, шоҳга асло саман отини тортиқ этмасликни бирин-кетин маслаҳат беришибди:

– Подшоҳим, агар унинг талабини қондирсак, бошқа мамлакат ҳукмдорлари олдида обрўингизга путур етади, деган истиҳоладамиз.

– Худди шундай, бир қошиқ қонимдан кечинг-у, улар сизнинг мурувватингизни кўрқоқликка йўйишлари мумкин.

– Биз ҳам шу фикрга қўшиламиз, шоҳим...

– Йўқ, унга саман отимни албатта ҳадя қиламан, – дея аъёнларнинг сўзини бўлибди шоҳ. – Чунки унинг қора нияти менга аён – уруш очмоқчи. Юрт тинчлиги, халқимиз осойишталигини асраш – менинг бурчим. Битта от туфайли элимизни уруш домига, норғул навкарларимни ажал пойига ташлашни асло истамайман...

Ўйлаган режаси амалга ошмаган маккор ҳукмдор яна турли найранглар излай бошлабди. Кўп фурсат ўтмай, яна элчи юборибди.

– Шоҳимиз гўзалликда тенгсиз канизагингизнинг таърифу тавсифини эшитиб, уни ўз ҳарамларида кўрмоқни истайдилар. Ижозат этсангиз, канизакни ўзимиз билан олиб кетгани келдик...

Машваратга йиғилган сарой аъёнлари бу гал ҳам унинг беписанд ва юзсизларча қилган талабидан ғазабланишибди. Бири қўйиб-бири шоҳга ўз маслаҳатини баён қилибди:

– Ҳуснда бебаҳо сарой малагини унга асло тутқазманг, шоҳим.

– Ҳа, бу гавҳарнинг таърифи етти иқлимга етган.

– У – Аллоҳнинг сизга аталган гўзал мукофоти.

– Агар уруш қилишни мақсад қилган бўлса, мамлакатимизнинг қудратли лашкарлари жангга шай, – фикрини дадил билдирибди қўшин саркардаси. – Амр этсангиз бўлгани, душманни сарҳадимиз пойидаёқ

кунпаякун қиламиз.

Лекин чуқур мулоҳаза юритган ҳукмдор бу сафар ҳам унинг талабини қондиришга фармон берибди.

– Майли, канизакни ҳам қўшни давлат шоҳига берганим бўлсин. Унинг қора ниятидан шу ҳадям қайтара олса, бу менинг ютуғим. Зеро, заминимиз тинчлиги-ю осойишталигидан ортиқ улуғ мукофот йўқ мен учун.

Уруш бошлашга баҳона тополмай чиябўри сингари ўзини ҳар томонга уриб юрган босқинчи яна бир талаб билан элчи юборибди шоҳга.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, ҳукмдорим, – шоҳга юзланибди бош вазир. – Қўшни давлатдан элчилар келишди. Уларнинг ҳукмдори сиздан мамлакатнинг энг чекка ҳудудларидан бирини тортиқ этишингизни сўрабди.

Подшоҳ сарой аъёнларини яна маслаҳатга чорлабди.

– Шоҳим, бу гал у маккор сўраган ўша чекка ҳудудни тортиқ этишингизга биз розимиз, – сўз олибди саройнинг бош маслаҳатчиси. – Чунки мамлакатимизнинг борса келмас у гўшасида бирорта гулу гиёҳ ўсмайди, ҳаёт аломати кўзга ташланмайди. Юртимиз ривожига ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Агар у калтабин қонхўрнинг уруш қилиш ниятидан ўша еримиз қайтара олса, ҳадя этганингиз маъқул.

Бош маслаҳатчининг бу фикрини барча сарой аъёнлари бир овоздан қўллаб-қувватлашибди.

Ҳукмдор уларнинг ҳар бир сўзини эътибор билан тинглабди-да, ўзининг қатъий қарорини эълон қилибди:

– Йўқ! Бу сафар қўшни давлат шоҳининг талаби қондирилмайди! Биз мудофаа қудратимиз билан ундан асло кам эмасмиз. У сўраган саман отимни, энг гўзал канизагимни беришимга сабаб, элимиз тинчлиги, ҳаловатини асраш эди. Чунки от ҳам, канизак ҳам ўзимнинг мулким бўлиб, уни бемалол ҳадя эта олардим. Зеро, учқур оту гўзал канизакни топиш мен учун муаммо эмас, бу билан халқимиз манфаатига зиён-заҳмат етмайди. Аммо мамлакатимизнинг чекка ҳудуди ободми, тақир ерми, қандай бўлишидан қатъи назар, биз учун азиз Ватан. Аждодларимиз асраб келган улуғ мерос, табаррук замин, халқимиз мулки. Унинг ҳар қарич ерини керак бўлса қонимиз билан, жонимиз билан ҳимоя қиламиз. Ватан – ўзгага сотиладиган, тортиқ этиладиган мулк эмас! У – барчамиз учун бебаҳо ва ягона. Жангга тайёрланинг, ғалаба биз томонда!

Шундан сўнг талаби қондирилмаган босқинчи подшоҳ уруш бошлашига баҳона ҳозирлигидан хурсанд бўлибди. Бироқ чуқур мулоҳаза қилиб, мамлакатининг ҳар бир ҳудудини қандай бўлмасин азиз билган, қадрлаган обод юрт ҳукмдорига тан берибди. Агар уруш очса, улардан енгилишини ҳис қилиб, қора ниятидан қайтибди.

Зулфия ЮНУСОВА

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ

ДУНЁДАГИ ҚИММАТ КИТОБЛАР

Китобнинг баҳоси қанча туриши аҳамиятсиз, аслида. Энг асосийси, мазмундир. Аммо дунёда шундай китоблар борки, улар биз ўйлаганимиздан ҳам бебаҳо. Сизга бугун дунёдаги энг қиммат китоблар бешталигини тақдим қиламиз.



1. Ҳаммурапи қонунлари китоби (30 802 500 доллар).

Бугунги кунгача Ҳаммурапи қонунлари китоби дунёдаги энг қиммат китоб ҳисобланади. Бобил подшолигининг ҳукмдори томонидан жорий қилинган қонунлар тўплами. Ҳаммурапи подшолиги ўзи тузган қонунлар асосида бошқарган. У 247 моддадан иборат бўлиб, кириш, қонунлар тўплами ва хулосадан иборатдир.

2. Magna Carta китоби (21 300 000 доллар).

«Magna Carta Libertatum» номи билан ҳам маълум бўлган ушбу китоб ўша даврдаги барон Жон томонидан ёзилган бўлиб, Англия қироли томонидан қўллаб-қувватланган. Бугунги кун дунё илм-фанида юқори мавқеа эга бу китоб энг қиммат китоблар рейтингида иккинчи ўринни эгаллаган.

3. «Stonyhurst Injil» ёки «Seynt Jon Sit Cuthbert Injil» китоби (14 300 000 доллар).

VIII асрда лотин тилида ёзилган энг муқаддас китоблар сарасига киради ва унинг нархи ҳам жуда юқорилиги билан ажралиб туради. Барчамизга маълумки, бу диний китоб ҳисобланади.

4. Бай Забур китоби (14 165 000 доллар).

Қизиқ воқеаларга эга Шимолий Америка колонияларида нашр этилган илк китоб ҳисобланади. Китоб мазмуни Бай колонияларида истиқомат қиладиган Массагетлар қабилалари ҳаёти ва урф-одатлари ҳақида маълумотлар беради.

5. «Rothschild Rayer Book» (13 600 000 доллар).

Замонавий графикадан фойдаланилган ажойиб санъат асари бўлганлиги сабаб, 2016 йилнинг энг қиммат китоблари рўйхатида биринчиликда туради. Китоб саҳифалари 228x160мм, Австрия миллий кутубхонасида сақланади.

Инглиз тилидан Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА таржимаси

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

ЯНГИ РЕАКТИВ РАКЕТА

Украина ҳарбий саноат комплекси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган «Ольха» номли янги реактив ракета айнан шундай номдаги бараварига ўт очувчи реактив тизимда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Хориж оммавий ахборот воситалари хабарига кўра, янги реактив снаряднинг жанговар оғирлиги 800 кг, узунлиги 7 метр, максимал отиш масофаси жанговар қисмнинг оғирлиги 170 кг бўлганида 120 км.ни ва 250 кг бўлганида 70 км.ни ташкил этади. Ракетанинг парвоздаги эҳтимолий айланма оғиши 5 метргача, нишонга тўғрилаш тизими инерциал (космик навигация тизими маълумотлари бўйича тўғриланади), жанговар қисми – осколка-фугасли. Янги ракета тизимига КрАЗ-7634 русумли юк автомобилининг шассиси асос бўлиши кўзда тутилган.

«Ольха»нинг олд қисмида импульсли 90 та митти двигателдан ташкил топган «белбоғ» жойлашган бўлиб, у фаол парвоз траекториясида йўналишни тўғрилаб беради. Йўналишнинг якуний қисмида автоматик тарзда аэродинамик руллар очилади ва улар ёрдамида бевосита нишонга тўғриланиш юзага келади.

БЕЗЭКИПАЖНЫЙ БОЕВОЙ КАТЕР

Китайская аэрокосмическая научно-технологическая корпорация (CASC) представила макет безэкипажного боевого катера проекта D3000. Опытный образец будет иметь длину 30 метров и автономность 90 суток.

Согласно данным CASC, базовую версию намечается оснастить дизель-электрической силовой установкой, которая в перспективе будет заменена на малогабаритную газотурбинную. Корпус катера имеет форму тримарана с центральной частью большого удлинения и двумя аутригерами, что увеличивает массу полезной нагрузки и улучшает мореходные качества. Максимальная скорость хода составит 40 узлов.. На основе базового будут разрабатываться два варианта: D3000A – для обеспечения противолодочной обороны и ведения разведки и D3000B – для ведения противокорабельных действий. Представленный модель катера имеет следующее вооружение: две четырехконтейнерные пусковые установки ПКР, четыре 30-мм ЗАК «Тип 730», а также четыре 533-мм и восемь 324-мм торпед. В кормовой части оборудована площадка для запуска БЛА вертолетного типа. На катере будет установлена аппаратура спутниковой связи, связанная с орбитальной группировкой «Чайнасат», что позволит катерам типа D3000 действовать на загоризонтных дальностях и применять помехозащищенные каналы обмена данными.

ТИЖОРИЙ ЛАЙНЕР АСОСИДА

Швециянинг СААБ компанияси «Глобал Ай» деб номланган янги радиолокацион аниқлаш ва бошқарув самолёти синовларини ўтказмоқда. Бу машина Бирлашган Араб амирликлари Мудофаа вазирлиги буюртмаси бўйича ишлаб чиқилган.

Мазкур ихтисослашган самолёт «Бомбардье» фирмасининг «Глобал 6000» русумли тижорий лайнери асосида яратилган. Ишлаб чиқувчилар томонидан таъкидланишича, «Глобал Ай» юқори даражада автоматлаштирилган разведка, бошқарув ва маълумотларни узатиш тизимига эга бўлади. Фюзеляж устига ўрнатилган «Эриай» типидаги радиолокация станцияси 450 км.гача узоқликдаги ҳаво нишонларини аниқлашга қодир. Фюзеляж остига разведка учун мўлжалланган оптик-электрон комплекс ҳамда ер усти ва сув остидаги вазиятни ёритиб берувчи «Си Спрэй-7500Е» русумли радиолокация станцияси (нишонларни аниқлаш масофаси 590 км.гача) жойлаштирилади. Бу станция Италиянинг «Леонардо» корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, самолёт бортидаги радиоэлектрон тизимлар таркибига радиотехник разведка ва радиоэлектрон кураш комплексини киритиш ҳам кўзда тутилган. 2020 йил охиригача швециялик авиасозлар БАА Ҳарбий ҳаво кучларига 3 та «Глобал Ай» етказиб беришни режалаштирган.

ДЛЯ ЗАМЕНЫ ГУСЕНИЧНЫХ МАШИН

Южнокорейские боевые бронированные машины (ББМ) К806 и К808, созданные специалистами компании «Хёндэ ротем», призваны в перспективе заменить в сухопутных войсках страны гусеничные машины серий К200 и К21.

Разработка новых машин началась в 2012 году, а в мае 2016-го обе ББМ завершили прохождение государственных испытаний. К806 с колесной формулой 6 х 6 (боевая масса 16 т) предназначена для ведения разведки, осуществления дозорных и рейдовых действий, а К808 с колесной формулой 8 х 8 (20 т) – для ведения боевых действий в составе сухопутных подразделений при поддержке танков и транспортировки пехоты (в том числе в горных районах). Обе машины являются амфибийными и оснащены двигателями мощностью 430 л. с., что позволяет им развивать максимальную скорость движения по шоссе около 100 км/ч. Эти средства могут оснащаться различными боевыми модулями с пулеметным и противотанковым вооружением, а в варианте боевой машины огневой поддержки – пушками калибра 90 или 120 мм. Минобороны Республики Корея и компания «Хёндэ ротем» подписали в декабре 2017 года контракт на поставку ББМ К806 и К808, в соответствии с которым производитель будет ежегодно передавать южнокорейским СВ до 100 новых машин (всего в рамках контракта вооруженные силы получат 500 единиц К808 и 100 единиц К806).

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ЖАҲОНДА

ТРАМП ХАБАРНИ РАД ЭТДИ

АҚШ Президенти Дональд Трамп 30 май тунида Вашингтонда афроамерикалик Жорж Флойд ўлими сабабли ўтган оммавий норозиликлар вақтида Оқ уй яқинидаги бункерга яширилгани ҳақидаги хабарларни ёлғон, деб атади. «Мен ўша вақтда у ерда бўлмагандим. Мен бункерга кундузи тушгандим ва бу асосан назорат учун қилинганди. Кундузи эса муаммо бўлмаганди ва бункерга тушишим унча узоқ давом этмади», деб айтган президент Fox News радиостанциясига берган интервьюда.

ЗАВОДДА ПОРТЛАШ ЮЗ БЕРДИ

Ҳиндистоннинг Гужарот штатида пестицидлар ишлаб чиқарувчи заводда портлаш юз бериши оқибатида камида 5 киши ҳалок бўлди, 57 киши жабрланди.

Айни вақтда воқеа сабаблари номаълум, деб хабар берди The Times of India нашри. Маҳаллий маъмуриятда таъкидланишича, завод омборида соат 12ларда ёнғин бошлаган. Воқеа жойига 15та ўт ўчириш машинаси йул олган. Яқин орада жойлашган икки қишлоқнинг 4,8 мингга яқин аҳолиси эҳтиёт чораси сифатида эвакуация қилинган.

«КОРОНА-ФИРИБГАРЛИК»

«Никкей» газетасининг ёзишича, Япония полицияси янги пайдо бўлган «корона-фирибгарлик» жиноятининг миқёсини ҳисоблашга киришди. Нашрдаги маълумотга кўра, ушбу жиноятчилик тахминан 40,28 миллион иенага (400 минг доллар атрофида) баҳоланмоқда. Шунга ўхшаш аксарият жиноятларда фирибгарлар «корона», «ниқоб» ва бошқа сўзларни ишлатган. Жиноятчиларнинг қаллоблик йўли билан ҳукумат тақсимлаган киши бошига 100 минг иеналик (тахминан 930 доллар) ёрдам пулини қўлга киритишга уриниш ҳоллари кўпайган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ХОРИЖ АРМИЯЛАРИ

ТАИЛАНДНИНГ ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАРИ

Жануби-шарқий Осиёда, Ҳиндихитой ярим оролининг марказий қисми ва Малакка ярим оролининг шимолида жойлашган ва мазкур минтақадаги ривожланган давлатлардан бири ҳисобланувчи Таиланд қироллиги Қуролли Кучларининг асосий ва энг кўп сонли тури бўлган Қуруқликдаги қўшинлар ички сиёсий барқарорликни таъминлаш, мамлакат ҳудудини эҳтимолий душманлар ҳужумидан мудофаа қилиш, монархия тузумини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар натижасида юзага келадиган фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишда муҳим роль ўйнайди.

Бу турдаги қўшинлар бошқаруви қўмондон томонидан штаб орқали амалга оширилади. Анъанага кўра, мазкур мансабдор шахс нафақат ҳарбий бошқарув, балки давлатнинг умумий тузилмасида ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. У амалда Таиланд Қуролли Кучлари Бош қўмондони вазифасини ҳам бажаради ва ички хавфсизликка масъул бўлган оператив қўмондонликка ҳам раҳбарлик қилади.

Ҳозирги даврда мамлакат армиясининг Қуруқликдаги қўшинлари сафида деярли 200 минг киши хизмат қилади. Қўшин таркибий тузилмасидан 4 та ҳарбий округ ва 2 та қўмондонлик (махсус операциялар ва ҳаво ҳужумидан мудофаа) жой олган. Таркибда жами 16 та дивизия (9 та пиёдалар дивизияси, 3 та механизациялашган, енгил пиёдалар, артиллерия, махсус вазифаларни бажарувчи ва ҳаво ҳужумидан мудофаа дивизиялари), 2 та алоҳида батальон (махсус вазифаларни бажарувчи), армия авиацияси полки, 2 та ўқув артиллерия дивизиони ҳамда бир қатор бошқа қисм ва бўлинмалар мавжуд. Ҳар бир ҳарбий округ таркибида бир қанча пиёдалар дивизияси, артиллерия ёки механизациялашган дивизиялар, таъминот қисмлари ва бўлинмалари ташкил этилган.

Оператив ва жанговар тайёргарлик жараёнида Қуруқликдаги қўшинлар миллий армия доирасида ёки хорижий армиялар билан ҳамкорликда ўтказиладиган ҳарбий машқлар ва машғулотларда мунтазам равишда иштирок этиб келади. Бунга мисол тариқасида ҳар йили АҚШ («Кобра голд», «Бэлэнс торч», «Хануман гардиан» ва ҳ.к.), Сингапур («Коча чингха», «Коуп тайгер», «Флэш тендер» ва ҳ.к.), Австралия («Чаппел голд», «Гэмпл жейд» ва ҳ.к.) ва бошқа мамлакатлар билан ўтказиладиган ҳарбий машқларни тилга олиб ўтиш мумкин.

Ҳозирги вақтга келиб Қуруқликдаги қўшинлар тасарруфида 750 дан зиёд жанговар танк (шу жумладан, Украинада ишлаб чиқарилган «Оплот-Т» русумли), 1700 дан ортиқ турли типдаги зирҳли жанговар машиналар, минглаб артиллерия тўплари, 1500 га яқин миномёт ва бараварига ўт очувчи реактив тизимлар, 500 та танкка қарши кураш воситаси, 700 га яқин зенит комплекслари, 70 та самолёт, 130 та жанговар ва 130 та транспорт вертолётлари бор.

Бу турдаги қўшинларни бутлаш аралаш принцип асосида, яъни умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳарбий хизматга мажбурий чақирув ва шартнома бўйича хизмат асосида амалга оширилади. Муддатли ҳарбий хизмат давомийлиги 24 ойни ташкил этади. Чақирув бўйича хизмат муқобил хизмат (18 ой) билан алмаштирилиши мумкин. Ҳозирда ҳарбий тайёргарликка эга бўлган резерв 300 минг кишини ташкил этади.

Таиланд Қуролли Кучларининг кундалик фаолияти ва уларни модернизациялаш дастурларини амалга ошириш учун мўлжалланган йиллик ҳарбий бюджет ҳажми 6,5 млрд АҚШ долларини (ялпи ички маҳсулотнинг 1,5 фоизи) ташкил этиб, бу маблағнинг деярли ярми (3 млрд доллар) Қуруқликдаги қўшинлар эҳтиёжига сарфланади.

Ҳозирги вақтга келиб, бу турдаги қўшинларни янада такомиллаштириш ишлари миллий армияни ривожлантиришнинг 2026 йилгача мўлжалланган истиқболли дастури, шунингдек, Қуруқликдаги қўшинларни қайта ташкил этишнинг 2036 йилгача бўлган даврга мўлжалланган дастур асосида амалга оширилмоқда. Бу дастурлардан кўзда тутилган асосий мақсад юқори жанговар тайёргарликка эга бўлган шахсий таркиб билан бутланган, замонавий қуроллар ва жанговар техника билан жиҳозланган ихчам ва ҳаракатчан қўшинларни ташкил этишдан иборат.

Қуруқликдаги қўшинларга қарашли ҳарбий қисмлар мамлакатнинг жанубий вилоятларида (Наратхиват, Паттани, Яла) фаолият олиб бораётган экстремистик гуруҳларга қарши курашиш ва бу ҳудудлардаги вазиятни барқарорлаштириш каби вазифаларини бажарувчи қўшма группировканинг асосий бўғини ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда бу турдаги қўшинларни модернизациялаш доирасидаги асосий саъй-ҳаракатлар замонавий зирҳли техника ва артиллерия тизимларини етказиб бериш борасида тузилган шартномаларни амалга ошириш, армия авиацияси паркини янгилашга йўналтирилган. Жумладан, қўшимча тарзда Украинада ишлаб чиқарилган «Оплот-Т» русумли танклар ва БТР-3Е1 типидаги зирҳли транспортёрлар, Хитойда ишлаб чиқарилган VT-4 русумли танклар ва VN-1 типидаги зирҳли машиналарни харид қилиш режалаштирилган.

ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАР

Умумий сони – 200 минг киши

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

МИНТАҚАДА

ВЕЛОСИПЕДГА АТАЛГАН ЁДГОРЛИК

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 3 июнь куни – бутунжаҳон велосипед куни муносабати билан Ашхободда велосипедга атаб қурилган ёдгорликни очиб берди. Бу ҳақда Туркманистон давлат ахборот агентлиги хабар қилди. Ноодатий ёдгорликнинг марказида улкан шар ўрнатилган, шарда Туркманистон харитаси алоҳида ажратиб кўрсатилган, унда «Туркманистон – Буюк Ипак йули юраги» ёзуви акс этган. Ер шари атрофида бир неча велосипедчи ҳайкали ўрнатилган. Ёдгорликнинг пастки қисмида туялар карвони ва чавандозлар тасвирланган.

ТЕРГОВ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

2 июнда Қирғизистон давлат чегара хизмати Тожикистон билан чегарада ўқотар қурол қўлланган ҳолда янги можаро юз берганини маълум қилди. Қирғиз чегарачилари тарқатган хабарда таъкидланишича, Қирғизистоннинг Боткен тумани Эки-Тош қишлоғида Тожикистон томонидан номаълум шахслар Ўш-Исфана автомобиль йўли бўйлаб ҳаракатланаётган қирғизистонлик машинасига ов милтиғидан бир неча марта ўқ узган.

Тожикистон ҳозирча ушбу воқеага изоҳ бермаган.

5 МИНГ КИШИЛИК МАСЖИД

Қозоғистоннинг Туркистон вилоятида 5 мингдан ортиқ кишига мўлжалланган улкан масжид қурилмоқда. «Ўтган йили тамал тоши қўйилган масжид Ўзбекистоннинг Туркистонга тортиқ қилган туҳфасидир», деб хабар беради Kazinform мухбири. «Ноёб лойиҳа Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Туркистон шаҳрида барпо этилаётган масжиднинг умумий майдони 5 минг квадрат метрни ташкил қилади. Масжиднинг ташқарисида 3 минг киши намоз ўқиши мумкин», дейилади хабарда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ОИЛА ДАВРАСИДА

БОЛА АЗИЗ, АММО...

Соғлом авлод тушунчасини қандай тушунасиз? Орамизда бу иборани фарзандларнинг жисмонан саломатлигини ифодаловчи тушунча, унинг бола маънавиятига дахли йўқ, дегувчилар кўплаб топилади. Афсуски, жамиятимизда шундай фикрлиларнинг мавжудлиги учун ҳам кўплаб хонадонларда фарзанд тарбияси долзарб муаммога айланяпти. Ўша оилаларда бебош, кўча безориси, қўпол, баджаҳл, ўзига ишончи йўқ болалар вояга етяпти. Бу нимадан далолат беради? Бу жамият таназзулидан далолатдир. Энди айтинг-чи, фарзанд фақат жисман соғлом бўлсагина жамиятга фойдаси тегадими? Маънан саломатлик инсон камолотида ҳеч қандай аҳамият касб этмайдими?

Уламоларимиз фикрича, кўпинча фарзандлар ота-оналари таъсирида тарбиясиз бўлар экан. Чунки кўп ота-оналар кундалик юмуш, ишни рўкач қилиб, фарзандларини ўз ҳолига ташлаб қўяди. Уларнинг онги, зеҳни, ақли, одобини шакллантиришга вақт тополмайди ёки ҳафсала қилмайди. Ачинарлиси, тарбияда шундай оқсаганлар фарзанди улғайгач, надомат ҳосилини теряпти.

Ҳа, кексаларимиз «Ўз вақтида ва ўз ўрнида берилган яхши тарбия инсоннинг энг қимматли бойлиги бўлса, нотўғри тарбия унинг чинакамига бахтсизлигидир», деб бежиз айтишмаган. Бу ҳақда Кайковус ўзининг «Қобуснома» асарида тўхталиб шундай дейди: *«Фарзандга адаб ва ҳунар ўргатмакни мерос деб билғил, агар сен хоҳ унга ўргатғил, хоҳ ўргатмағил, турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатур. Ундоқким дебдурлар, ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайди».* Донишмандлар фарзандни бежиз ниҳолга қиёслашмайди. Зеро, ниҳол қанча эрта парвариш қилинса, шунча тез кутилган натижага эришилади.

Бола бошидан...

Мактабдан келган Жавоҳир уйга югуриб кирди-ю қўлидаги сумкасини хона бурчагига ирғитди. Сумка ичидаги китоблар ҳар томонга сочилиб кетди. Ўғлининг ҳаракатларини меҳр билан кузатиб ўтирган Моҳира опа унга ялинчоқ овозда танбеҳ берган бўлди:

– Жавоҳиржон, болам, бўйларингдан айланай. Энди катта йигит бўлиб қолдинг. Бундан буён сумкани ирғитмагин-да. Қара, китобларинг жуда титилиб кетибди. Мактабда бу китоблардан қандай фойдаланяпсан? – Моҳира опа ўрнидан туриб, китобларни сумкага жойлай бошлади. – Ие, математика китобинг иккита бўлиб қолибдими? Бу кимники? – Моҳира опа муқоваси янги китобни қўлига олди. Онасининг қўлидаги китобни кўрган Жавоҳирнинг ранги бироз оқарди. Кейин эса қўрқа-писа:

– Алишерникини ҳазиллашиб олиб қўйгандим. Эртага албатта қайтариб бераман, – деди.

– Китобни олганингни ҳеч қайси ўртоғинг кўрмадими? – Моҳира опа ўғлига синовчан тикилди.

– Йўқ. Хонада ҳеч ким йўқ эди.

– Ҳеч ким кўрмаган бўлса, нима қиласан қайтариб бериб? Берма, қара янгигина экан.

Энди онам уришади деб елкасини қисиб турган бола ҳайрон бўлиб онасига тикилди. Онасининг жаҳли чиқиб эмас, кулиб турганини кўриб, юзига қон югурди ва хурсанд бўлганча кўчага отилди. Эртасига китоб ҳақида Алишерга лом-лим демади. У эса китобни йўқотгани учун устозидан қаттиқ дакки эшитди. Шунда ҳам Жавоҳир индамади. Ахир онаси айтмагин, деган эди-да...

«Ўғлим ўғри эмас»

– Ўғлингиз яна боққа ўғриликка кирибди. Дарахтларни синдириб, пишган меваларни ерга қоқиб ташлабди. Тергасангиз бўлмайдими? Мева ҳам егулик, унинг ҳам уволи бор ахир! – қишлоқ чеккасидаги боққа қоровуллик қиладиган Султон аканинг бу гапидан Моҳира опанинг ғазаби қўзиди.

– Ўғлим ўғрилик қилмайди. Ёлғон гапирманг. Нимага энди ўғлимга ёпишиб олдингиз? Ўтган гал индамаган эдим. Бу сафаргиси ошиб тушди. Отаси уйда йўқ, хоҳлаганимча уриб, адабини бераман, деб ўйлагандирсизда-а? Чучварани хом санабсиз! Мен уни сиздақаларнинг қўлида хорлатиб қўймайман. Яна бир бор айтаман, Жавоҳир ўғрилик қилмайди! – Моҳира опанинг ҳовлини бошига кўтариб шанғиллашидан Султон аканинг жаҳли чиқиб кетди.

– Ҳой, келин, ўзим кўрдим-ку! Ҳали одамни-одамдан ажрата оламан. Она сифатида унга насиҳат қилсангиз бўларди. Ўғлингиз уйда бўлса, чақиринг, ўзи билан гаплашамиз.

Моҳира опа тўнғиллаганча деразани очиб, уйда ухлаб ётган ўғлини чақирди.

– Жавоҳиржон, бу ёққа чиққин, болам. Султон амакингни, сенда гапи бор экан.

Ичкаридан Жавоҳир чиқиб келди ва на салом, на аликсиз нима ишингиз бор, дегандек рўпарасидаги кишига безрайганича тикилиб тураверди.

– Болажоним, ўғрилик қилмаганингни амакингга айтгин. Тавба, ҳар доим боғда мева тўкилса, бизникига югуриб келади бу одам, – аёл боғбонга хўмрайиб қараб қўйди.

– Мен ўғрилик қилмадим, – деди Жавоҳир ҳам без бўлиб. Лекин у ростдан ҳам боққа ўғриликка кирган, меваларни уйларига ҳам бир этак қилиб олиб келган эди.

– Ана айтдим-ку, болам ҳеч қачон ўғрилик қилмайди, – деб она мағрур қиёфада Султон акага тикилди. – Сиз унга туҳмат қилманг. Балки меваларни неваралрингиз, келинларингиз қоқиб уйингизга олиб кетгандир. Сиз эса раснинг билиб қолишидан қўрқиб, айбни Жавоҳиримнинг бўйнига иляпсиз.

– Худодан қўрқинг, келин. Мева керак бўлса, ана, ҳовлим тўла мевали дарахт. Неваралримнинг ўғирлик қилишига ҳожат ҳам йўқ. Агар шундай қилган тақдирда ҳам уларни қандай жазолашни ўзим биладим. Сиз бир мишиқининг гапига ишонаяпсизми? Эҳ аттанг, аттанг...

Бу пайтда Жавоҳир ўн икки ёшда эди...

У онасининг «қўллаб-қувватлашлари» туфайли ўғриликка «меҳр» қўйиб улғайди. Мактабда ҳам ёлчитиб ўқимади. Юқори синфга ўтганда ўқишни ташлаб кетди. Шаҳардан ўзига ўхшаган ҳамтовоқлар ҳам топди. Ўн беш ёшида қўшниларининг омборига ўғриликка тушиб, буғдой ўғирлади. Ўғирланган буғдойни бозорга олиб чиқиб, арзон-гаровга сотди, кейин эса пулини ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборди. Анча вақт шериклари билан бозорда киссавурлик қилди. Ўғлининг чўнтагидаги даста-даста пулларни кўрган Моҳира опа Жавоҳирдан бу пулларни қаердан олдинг, деб тергамади. Уйга кеч келганда қойимади, ўртоқларининг кимлар эканлиги билан қизиқмади. Онасининг эътиборсизлиги бора-бора Жавоҳирни қуюшқондан чиқарди. Энди у шериклари билан катта-катта ўғриликларга қўл ура бошлади. Жуда кўп хонадон соҳибларини қон қақшатди. Аммо кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, уюшган гуруҳ жиноят устида қўлга олинди.

– Йўқ, ўғлим ўғри эмас. Унга туҳмат қилишяпти. Болажоним, қандай кунларга қолдик. Жон акалар, менга раҳмингиз келсин. Ўғлимдан бошқа суянчиғим йўқ. Унинг қамалиб кетишига чидолмайман, – суд залида Моҳира опа Жавоҳирни афв этишларини сўраб, ялиниб-ёлворди. Аммо ғишт аллақачон қолипдан кўчган эди. Суд гуруҳдаги йигитларнинг ҳали балоғатга етмаганликларини ҳисобга олиб, жазони енгиллаштирди, улар беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Бу ҳукмни эшитган Моҳира опа эсдан оғай деди. Додвой солди. Фарёд чекиб йиғлади. Шунда ҳам у фақат бир сўзни такрорлар эди: «Ўғлим ўғри эмас. Унга туҳмат қилишяпти...»

Эътибор берган бўлсангиз, оилада берилган нотўғри тарбия бир йигитни залолат ботқоғига ботирди. Ўйланиб қоласан, киши. Агар боланинг одобахлоқи, хулқи, юриш-туриши доим назорат остида бўлганида, она боласига ўз вақтида тўғри тарбия берганида, у шу кўйга тушармиди? Ўғри деган тамғани олармиди? Ҳаётини ҳою, ҳавасга алмашармиди? Албатта, йўқ. Алам қиладигани бу фожеа фақат бир инсоннинг эмас, балки юқорида айтганимиздек жамиятнинг ҳам фожиаси эканидир.

Ҳолбуки, маънавий дард жисмоний дарддан анчайин оғир эканлигини юқорида келтирилган воқеа ҳам кўрсатиб турибди. Қанийди, буни бола тарбиясида нўноқлиқ қилаётган ота-оналар ҳам ўз вақтида тушуниб етса! Ахир жисмоний дарддан қутулгач, унинг асоратлари ҳам вақт ўтиб йўқолади, маънавий дард эса фарзандимиз то ҳаёт экан, унга умри мобайнида ҳамроҳлиқ қилади. Энг хатарлиси, у ўзидан оғирроқ иллатларни етаклаб келади.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

Bolajon

HOJI VA DONISHMAND

Abu Hanifa davrida Bag'dod ulamolaridan bir donishmand kishi bo'lgan ekan. U kishi soxta zohidlik niqobi ostida riyokorlik va tovlamachilik yo'liga kirgan edi.

Bir kun Xurosondan bir kishi haj qilmoq niyatida Bag'dodga keldi. U kishining yonida bir necha ortiqcha dinori bor edi. Ushbu dinorlarni ehtiyot yuzasidan biror kishiga omonat qoldirib ketish harakatiga tushdi. Nihoyat dinor to'la hamyonni mazkur donishmandning huzuriga olib bordi va unga omonat topshirdi. O'zi esa hajga ravona bo'ldi. Nihoyat, ka'bani ziyorat qilib, marosimlardan forig' bo'lib, qaytib kelayotganda, karvonga qaroqchilar hujum qildi. Barcha karvon ahlini tunadilar. Jumladan, mazkur kishining ham bor-yo'g'ini shilib oldilar. Hoji bor-yo'g'idan ajralib, och-yalang'och holda Bag'dodga yetib keldi va donishmandning huzuriga bordi. Hoji donishmanddan o'z hamyonini talab qildi. U kishi dedi: «Sen devona bo'lganga o'xshaysan, yo'l mashaqqatlari senga asar qilgan ko'rinadi. Savdoyi bo'lib qolibsan. Men seni hech qachon ko'rganim yo'q».

Bechora hoji qancha zor-tavallo bilan yolvormasin, bari bir uning so'zini inobatga olmadi.

Hoji noumid bo'lib, o'z do'stiga bo'lgan voqeani hikoya qildi. Do'sti unga shunday dedi:

– Sen bu dardning davosini imom Abu Hanifadan topishing mumkin. Bu voqeani unga bayon qil! Uning madadi bilan moling qo'lingga kirsa ajab emas.

Hoji imomning huzuriga kelib, bo'lgan voqeani so'zlab berdi. «Men seni hojating haqida o'ylab ko'rishim lozim. Binobarin, bugun uyingga ketaver. Ertaga yana kelarsan!» – dedi imom.

Imom A'zam donishmandga odam yuborib, uni o'z huzuriga chaqirib: «Balki eshitgandirsan, ko'p vaqtlardan buyon amir mendan Bag'dodning qozilik mansabini qabul qilishimni taklif qiladi. Men esa iymanib qabul qilmay kelaman. Nihoyat, agar o'zing qabul qilmasang, o'rningga olim va zohid bir kishini topib, nomzodini ko'rsat, deb talab qilyapti. Men o'ylab-o'ylab seni esladim. Endi sen rozi bo'lsang, nomingga farmon yozilib, mazkur mansabni senga havola qilingusidir», dedi.

Mansabparast donishmand kishi bu so'zni eshitgach, gapni qanday maqsadda aytilayotganini o'ylab ham ko'rmay, quvonib darhol rozilik berdi.

Imom A'zam unga qarab dedi:

«Bugun uyingga borib, yaxshilab o'ylab ertaga kel. Agar rozi bo'lsang, sening nomingga farmon yoziladi».

Shodlikdan butun kecha davomida donishmandning ko'ziga uyqu kelmadi.

Ertasi kuni donishmand Imom saroyiga keldi. Shu payt eshikdan hoji ham kirib kelib, salom berdi. Donishmand hojini ko'rgach, tanidi va qozilik mansabining umidida hojiga dedi: «Ey shayx, sen qayoqlarda yuribsan? Har kun seni so'roqlardim. Nihoyat, kelib ketuvchilar ro'yxatini tekshirib xabaringni shu yerdan topdim. Endi mening esimga tushdi. Omonatingni mendan olishing lozim. Zeroki, shuncha muddat ichida senga biror voqea yuz berib qolgan bo'lsa haq egasiga tegmay qoladimi, degan xayollar bilan menda na uyqu va na halovat bor edi».

Imom donishmandga dedi:

«Iqror bo'ldingmi, endi egasiga topshir!» Donishmand hamyonni keltirishni buyurdi. U hamyonni Imom huzurida egasiga topshirdi. Shundan so'ng Imom donishmandga dedi: «Endi salomat uyingga bor! Bizning maqsadimiz bir musulmonning haqini o'ziga qaytarish edi. Shuningdek, sening omonatga qilgan xiyonating, hamda hukumat va qozilikka bo'lgan xohish va rag'bating menga ravshan bo'ldi. Binobarin sendan ixlosim qaytdi».

Bu xabar butun Bag'dodga yoyildi. Donishmand ilgari eng ishonchli kishilardan edi. Endilikda xoinlar qatoriga qo'shildi. Amirning in'om va ehsonlaridan mahrum bo'ldi. Nihoyat, azob-uqubatda, mashaqqatda tirikchilik qila boshladi.

«Hikmatli rivoyatlar» kitobidan olindi.

Tengdoshlaringiz ijodidan

Tabiatni asraylik

Yam-yashil dalalar, bepoyon qirlar,
Samolarga boqib yayraydi dillar,
Bizga zavq bag'ishlar tiniq daryolar,
Tabiatni asrang aziz bolalar.

Axlatlar tashlamang toza suvlarga,
Ozor bermang aslo go'zal gullarga,
Ko'chatlar o'tkazing dala, yo'llarga,
Tabiatni asrang aziz bolalar.

Nigina ZAKIROVA



TAFOVUT

Suratlardagi farqni toping.

Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

5 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

ЭКОЛОГИЯГА ОИД ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

Атроф-муҳит – маълум бир ҳудуднинг табиий шароити ва унинг экологик ҳолатини тавсифловчи умумлаштирилган тушунча. Унинг аҳамиятини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Экологик муаммолар йилдан йилга кучайиб бормоқда, бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бизга фақат келажагимизни сақлаб қолишга умид қилиш қолади холос. Қуйида давлатларнинг атроф-муҳитига доир қизиқарли фактларни ўқишингиз мумкин:

• Хитой аҳолисининг ярми ифлосланган сув ичишади, бунда зарарли моддалар фоизи одатдагидан анча юқори.

• Тинч океанида жуда катта ахлат доғи мавжуд, оқимлар одамлар ташлаган барча ахлатларни маълум бир жойга олиб боради. Унинг майдони 1,5 миллион квадрат километрга етади.

• Швеция ва Исландияда уйларни иситишда крематориядан олинган иссиқлик ишлатилади.

• Австралияда ҳайвонларни ҳимоя қилиш ташкилотлари коалаларнинг автомобиль ғилдираклари остига тушишининг олдини олиш учун магистрал йўлларга сунъий чирмовиқлар тортиб чиқилган.

• Хитойда ҳар йили бир неча минг квадрат километр ерлар чўлга айланади. Ушбу экологик масала интенсив деҳқончиликнинг натижасидир. – Тибет дунёдаги энг тоза экологияга эга ҳудуд.

• Бутун дунё савдосининг 90 фоизи денгиз йўлларига тўғри келади, бу эса океанлар экологиясига тузатиб бўлмайдиган зарар етказади.

• Нафақат пластик пакетлар, балки қоғоз қоплар ҳам табиатга зарарли. Тўғри, пластик пакетлар нисбатан тез парчаланади, лекин уларни ишлаб чиқариш учун ўрмонлар кесилади, жараённинг ўзи атроф-муҳитни сезиларли даражада ифлослантиради.

• Ёмон экология турли касалликларнинг ривожланишига ҳисса қўшади ва бир неча олимларнинг фикрига кўра, дунёдаги ўлимларнинг 15 фоизга яқини ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

• Хитой пойтахти Пекин ниҳоятда ифлос ҳавога эга бўлган шаҳар бўлиб, ушбу антирейтингнинг дастлабки ўнталигидан бирини эгаллайди.

• Океанга ҳар йили 9 миллиард тонна ахлат ташланади.

• Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги ҳаво юқорида айтиб ўтилган Пекинга қараганда тўрт баравар ифлос.

• Филиппин пойтахти Манила орқали оқиб ўтадиган дарё бутунлай биологик ўликдир. Унда умуман ҳаёт йўқ, сувда ҳатто микроорганизмлар ҳам яшамайди.

• Гарварднинг машҳур биологи Уилсоннинг сўзларига кўра, ҳар йили қарийб 30 000 тирик организм йўқ бўлиб кетади. Бу асрнинг охирига келиб, Ер сайёраси ҳозирги биохилма-хилликнинг ярмини йўқотади.

С. МАМИРЖОНОВА тайёрлади.

БИР ЧИМДИМ

Кишининг жавобига қараб эмас саволига қараб баҳо бер.

ВОЛЬТЕР

БИЛАСИЗМИ?

Қилич, ханжар ва бошқа жанг қуроллари билан қуролланган япон жангчиси «ниндзя» ўта хавфли топшириқларни бажаргани билан машҳур. Улар баъзан бир неча кунлаб ухламасдан, оч-наҳор юришга мажбур бўладилар. «Ниндзя» ўзи билан яна бир шундай нарса олиб юрганки, у нарса уларга экстремал ҳолатларда катта ёрдам берган. У нима?

Жавоб: Ниндзя ўзи билан ёнон воқиларни ёқиш учун ранг қизиқ ранг ёнгинмаган.

БИЛАСИЗМИ?

2000 йил илгари гладиаторларнинг жанг майдонлари учун қум фақат Юнонистон даштларидан олиб келинган. Нима учун?

Жавоб: Ниндзя, ниндзя жанг пайти жараёт олганда ҳам, чарчаган ва оч-наҳор қолганда ўнлаб фойдаланган. Бугун шарқ тадбирларида кенг кўлланилаётган ипни сариқ усули ғалон жанчиларга мукаммал ўргатилган.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Дунёдаги энг замонавий кутубхоналар

Кўкрагида қўрғошин заҳми

VATANPARVAR

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир ўринбосари подполковник Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ

Навбатчи: катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ

Саҳифаловчилар: лейтенант Рамиз ВАЛИЕВ, Роберт ИСЛАКАЕВ

Мусаҳҳиҳлар: Зебо САРИЕВА, Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА, Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар: 71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Буюртма: г-662
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 34 716 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй.